



O'zbekiston Respublikasi  
IIV nashri

ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

# POSTDA



Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqqan boshlagan • E-mail: postda@evo.uz • 2015-yil 17-yanvar, shanba • № 03(4104)

## Президент сайлови

### ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛДИ

**Тошкент шаҳрида 15 январь куни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси С.Турдиев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар Конституциямиз ҳамда сайлов қонунчилигимиз талабларига мос, умумэтироф этилган халқаро андозалар даражасида ташкил этилганини таъкидлади.

Сайловлар натижасига кўра, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вакиллари парламент куйи палатасида энг кўп – 52 ўринга эга бўлди. Шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгашларида 305, туман (шаҳар) Кенгашларида 1805 депутатлик ўрнини

эгаллаб, парламентда фракция, жойлардаги вакиллик органларида депутатлик гуруҳлари шакллантирилди.

Йиғилишда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга тадбир – 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловида ЎзЛиДеПнинг иштироки билан боғлиқ масала кўриб чиқилди. Унда партиядан номзод кўрсатиш хусусидаги масала муҳокама қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислон Абдуғаниевич Каримов номзоди кўрсатилди. Йиғилиш иштирокчилари бу таклифни бир овоздан маъқуллади.

(Давоми 2-бетда).

## ФИДОЙИ ХИЗМАТ ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 январдаги «Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ ички ишлар идораларининг куйидаги ходимлари ҳам давлатимизнинг орден ва медаллари билан тақдирландилар.

### II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ордени билан

**Комилов Муҳиддин Узоқович** – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

### «ДЎСТЛИК» ордени билан

**Ерниязов Камалбай Турганбаевич** – Қорақалпоғистон Республикаси КеҒейли тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

### «МАРДЛИК» ордени билан

**Очилов Маъруфжон Махаммадиевич** – Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Тургунов Ахмадали Исмоилович** – Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вази-фаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

**Эргашев Баҳром Улугбекович (мархум)** – Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳарбийлаштирилган қисми ёнғин ўчирувчиси

### «ЖАСОРАТ» медаллари билан

**Буриев Абдужалил Абдижамилевич** – Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Гозиев Ёқубжон Абдухаликович** – Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вази-фаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Зайтов Хайрилла Джураевич** – Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳарбийлаштирилган қисми бўлинма командири

**Қаршиев Максуд Абдимуратович** – Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вази-фаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Маманов Ботиржон Махамматкулович** – Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вази-фаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Матёкубов Умарбек Отабоевич** – Хоразм вилояти Хива тумани ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми ёнғин ўчирувчиси

(Давоми 3-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриғи

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, кадрли юртдошлар!

Сизларни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана – Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 23 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Мустақил демократик Ўзбекистон давлатини барпо этиш ва ривожлантириш бўйича биз босиб ўтган буюк ва шонли йўл миллий армиямизнинг – ён-атрофимиздаги мураккаб ва таҳликали вазиятда тобланган, Ватанимиз мустақиллиги, суверенитети, унинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётининг ҳамиша ишончли кафолати бўлиб

келган ва бугунги кунда ҳам шундай бўлиб қолаётганини неча бор исботлаб берган мамлакатимиз Қуролли Кучларининг шаклланиши билан узвий ва чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор. Ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати ва имкониятларига унинг армиясининг жанговар қобилияти ва жанговар тайёргарлигига қараб баҳо берилиши бежиз эмас ва бундай қараш мустаҳкам асосга эгадир.

Биз суверен Ўзбекистоннинг Қуролли Кучларини ташкил этиш жараёнида ҳарбий қурилиш соҳасида мерос бўлиб қолган тажрибадан тўғридан-тўғри нусха кўчиришдан воз кечиб, аниқ ва реал геостратегик ва геосиёсий шароитни, замонавий урушлар ва қуролли можароларнинг қандай хусусиятлар-

га эга эканини ҳар томонлама ҳисобга олдиқ, Марказий Осиё минтақасида юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос жиҳатлари таҳлилидан келиб чиқиб иш тутдик ва шунингдек, ўзимизнинг азалий миллий фазилат ва анъаналаримизга таяндик.

Ҳарбий қурилиш, қўшинларнинг хизмат-жанговар фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги илғор хорижий тажриба ва замонавий ҳарбий санъат ютуқларини чуқур ўрганиш ва улардан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган, босқичма-босқич ва ўзаро боғлиқ ислохотлар дастурларини самарали ва изчил амалга ошириш армиямизни ташкил этишнинг кўп жиҳатдан ҳал қилувчи шарти ва гарови бўлди.

(Давоми 2-бетда).

## Репортаж

### МАРД ЎҒЛОНЛАР ШАРАФЛАНДИ

**Эндиликда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун наинки конституциявий бурч, айти чоғда мамлакатимиздаги энг нуфузли касблардан бирига айланди, десак муболага бўлмайди.**

Ислон КАРИМОВ



14 январь – Ватан ҳимоячилари куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ҳам муносиб тарзда нишонланди. Бу ҳақдаги репортаж билан газетамизнинг 8-саҳифасида танишасиз.

## Президент сайлови

ЎЗБЕКИСТОН  
ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА  
НОМЗОДЛАР  
КЎРСАТИЛДИ

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Ўтган йиллар давомида давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар самарасида Ўзбекистон дунёда ўз обрў-эътибори ва мавқеига эга, барча соҳада изчил ривожланётган мамлакат сифатида тан олинди. Хусусан, ўтган даврда иқтисодиётимизнинг қарийб 5 карра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 3,7 марта ўсгани, одамларнинг даромадлари 8,7 баробар кўпайгани ана шундай ижобий ўзгаришларнинг яққол далилидир.

Анжуманда ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши сайлов қонунчилигида белгиланган муддатларда Марказий сайлов комиссиясига партиясининг Президент сайловида иштироки билан боғлиқ ҳужжатларни топшириш бўйича тегишли қарор қабул қилди.

## Шу кунги Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши раиси Ҳ.Кетмонов ва бошқалар мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган йўли оламшумул тараққиёт ва ўзгаришлар йўли бўлганини таъкидлади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шакллантириш, барча жабҳаларни модернизациялаш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишда улкан ютуқларга эришилди. Инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият даражасига кўтарилган демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги ислохотлар, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда қўлга киритилган муваффақиятлар жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси барча жабҳаларни янада раванқ топтиришда муҳим босқични бошлаб берди. Бу жиҳатлар миллий сайлов тизимимизни жаҳон андозалари талабларига мос тарзда такомиллаштириш, сиёсий партиялар учун имконият ва ҳуқуқларнинг яратиб берилганида ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Илгирлида таъкидланганидек, сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва жойлардаги вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловлардаги фаол иштироки давлат ҳокимиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизгин тайёргарлик қўрилмоқда.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига Ҳотамжон Абдурахмонов Кетмонов номзоди кўрсатилди. Бу таклиф йиғилиш иштирокчилари томонидан маъқулланди.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил  
этилганининг 23 йиллиги муносабати билан  
Ватан ҳимоячиларига байрам табриги

(Давоми.

Бошланishi 1-бетда).

Шу маънода, хорижий давлатларнинг мудофаа идоралари билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш бизнинг энг муҳим устувор вазифамиз бўлиб қолмоқда. Ана шундай хорижий мудофаа идоралари билан ўзаро манфаатли шериклик муносабатлари ўрнатилган бўлиб, бундай ҳамкорлик кенгайиб бормоқда, икки томонлама ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик доирасидаги йиллик режалар амалга оширилмоқда.

Бизнинг Қуролли Кучлар қурилиши борасидаги режаларимизга мувофиқ, ҳарбий қўшинларни модернизация қилиш ва уларни энг янги қурол-яроғ ва техника, жумладан, ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари ва вертолётлар, бронетанк қуроллари, артиллерия тизимлари, алоқа воситалари, алоҳида ва гуруҳ бўлиб ҳимояланиш воситалари билан қайта қуроллантиришга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга оширмоқдамиз.

Ҳеч шубҳасиз, илғор ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги замонавий ютуқлардан фойдаланган ҳолда, ўқув жараёнига таълимнинг инновацион шакл ва усуллари жорий этиш орқали Қуролли Кучлар академияси, ҳарбий билим юртлари, сержантлар тайёрлаш мактабларида ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимини энг янги методлар асосида такомиллаштириш борасидаги узлуксиз ишларимиз долзарб аҳамиятга эгадир.

Шу маънода, офицер ва сержантлар таркибининг профессионал малакасини оширишда етакчи хорижий давлатлар армияларидаги ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш ва уларнинг хизмат фаолиятини ташкил этиш тизимини чуқур ўрганиш ҳамда бу тизимни бизнинг шароитимизга мослаб жорий этиш катта ижобий роль ўйнаганини қайд этиш лозим.

Бу соҳада амалга оширилаётган аниқ чора-тадбирлар туфайли мамлакатимиз офицерлар таркиби ўзининг дунёқароши, билим ва тажрибасини доимий равишда кенгайтириб, юксак касбий малака ва маънавий-ахлоқий фазилатларга, мантиқий фикрлаш қобилиятига эга бўлиб бормоқда ва ўз олдига турган вазифаларни ҳал этишда ностандарт ёндашувларни фаол қўллашга қодир бўлмоқда. Сержантлар сўзда эмас, амалда офицерларнинг энг ишончли ва яқин ёрдамчиси ҳамда таянчига, аскарларимизнинг меҳрибон мураббийсига айланди, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Мудофаа қурилиши соҳасида бошқарув органлари ва қўшинларнинг оператив ва жанговар тайёргарлик тизи-

мини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги ҳарбий ўқув машғулоти мустақилликнинг биринчи йилларида ўтказилган машқлардан тубдан фарқ қилади. Йилдан йилга жанговар шароитларга энг кўп даражада яқинлаштирилган ҳолда ўтказилаётган бундай ўқув машғулоти қўшинлар тайёргарлигининг бутун тизимини танқидий таҳлил қилиш, ҳар бир батальон ва взводнинг имкониятларини, шунингдек, жанговар вазифаларни бажаришда танланган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва мавжуд вазиятга айнан мос келишини бўлинмаларнинг бир-бирининг ўрнини қай даражада боса олиши ва шахсий таркибининг ўзаро яқин бўлган турдош мутахассисликларни қанчалик пухта эгаллагани нуқтаи назаридан баҳолаш имконини беради.

Миллий армиямизни шакллантириш ва ислоҳ қилиш жараёнида тўпланган тажрибани барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар, чақириқ ёшига етмаган ўғлонларимиз ўртасида ҳар томонлама тарғиб қилиш ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни ташкил этишда кенг қўллаш фаолиятимизнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Армияда хизмат қилиш ёш авлодимиз учун алоҳида маъно-мазмунга эга бўлиб, унинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Бундай хизматнинг жозибадорлиги фақат яратиб берилаётган имтиёзлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан юқори даражада таъминлангани билангина боғлиқ эмас, албатта. Бу, авваламбор, армия ёш авлодимиз учун ҳақиқатан ҳам мардлик ва мустаҳкам иродани, юксак ватанпарварлик туйғусини, Ватанимизга севги ва садоқат ҳисларини тарбиялайдиган ҳаёт мактабига айлангани билан изоҳланади.

Мустақиллик йилларида ҳар томонлама тайёргарликка эга ва армияда чиниқиб мактабини ўтаган, ҳар қандай фурсатда Ватан ҳимояси учун тайёр бўлган бутун бир авлод вояга етди ва мустаҳкам оёққа турди, деб гуруҳ ва ифтихор билан таъкидлашимиз мумкин.

Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий-маиший, яшаш ва хизматни ўташ шароитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш алоҳида аҳамиятга молик вазифа бўлиб қолмоқда. Ўз ҳаётини ушбу шарафли касбга бағишлаган ҳар бир ҳарбий хизматчи яхши билиши шарт: унинг муаммолари эътиборсиз қолмайди ва оиласининг тинчлиги ва фаровонлиги ишончли равишда қафолатланган.

Юртимизда 2015 йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши биздан

уруш қатнашчилари ва Қуролли Кучларимиз фахрийларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик, чинакам инсоний меҳр ва эътибор кўрсатишга қаратилган ҳукумат қарорлари ва давлат дастурларини сўзсиз бажаришни талаб қилади.

Бугунги кунда қўллаб муҳтарам фахрийлар ва устозларимиз ўзининг ноёб тажрибаси, билим ва малакасини Ватан ҳимоячиларининг янги авлодига ўргатиб, мамлакатимизни ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда.

Шуни унутмаслигимиз керакки, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар жиҳатдан фаровон ҳаёти – мамлакатимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи ва обрў-эътибори нақадар юксак эканини намойён этадиган энг ёрқин кўрсаткичдир.

Хурматли ватандошлар!

Бугунги кунда бизнинг яқин ва олис ён-атрофимизда вужудга келаётган вазиятга баҳо берар эканмиз, халқаро хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларнинг қўламини кенгайиб бораётганини, яъни, пайдо бўлаётган қарама-қаршиликларни ҳал этишда куч ишлатишга зўр бериш устунлик қилаётгани, хомашё ресурслари ва коммуникациялар устидан назорат қилиш бўйича геосиёсий рақобатнинг ошгани, ядро технологиялари ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, халқаро терроризм ва экстремизмнинг кенг тарқалаётган экспансиясининг фаоллашуви, миллатлар ва конфессиялараро можароларнинг кучаяётганини эътироф этмаслик мумкин эмас.

Дунёнинг турли минтақаларида вужудга келаётган хавф-хатар, низо ва зиддиятлар ҳамда қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётганини, улар тинч йўл билан ҳал этилмасдан, аксинча, кескинлашаётганини афсус билан тан олишга мажбурмиз.

АЙСАФ деб ном олган тинчликпарвар кучларнинг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар учун жиддий синовга айланмоқда. Ироқдаги аччиқ тажриба яққол кўрсатганидек, Афғонистонда юзага келадиган ҳар қандай бўшлиқни бу минтақанинг катта ҳудудига ўзининг вайронкор таъсирини ёйишга қодир бўлган турли бузғунчи ва террорчи гуруҳлар, фанатик кучлар қисқа фурсатда эгаллаб олиши мумкин.

Бугунги кунда ноанъанавий таҳдидлар халқаро можароларнинг қиёфасини бутунлай ўзгартирмоқда ва информаци-

ларли хавф-хатар туғдирмоқда. Улар армиямизнинг негизига путур етказиш, аввало, унинг маънавий-ахлоқий асосларига таъсир ўтказишга уришиш ва шунингдек, замонавий интернет технологиялардан фойдаланиш орқали бизнинг бунёдкорлик руҳидаги бой маданиятимиз, маънавий қадрият ва аъноларимизга мутлақо зид бўлган бузғунчи ғоя ва тушунчаларни ёшларимизнинг онгу тафаккурига сингдиришга қаратилгани билан аиникса хатарлидир.

Шуни унутмаслик керакки, бу бутун дунёда мураккаб ва олдиндан айтиб бўлмайдиган вазият вужудга келган бир шароитда хушёр ва огоҳ бўлиш, эришилган натижалардан хотиржамлик туйғусига берилмаслик, Қуролли Кучларимизни янада изчил ислоҳ қилиш бўйича қатъий саъй-ҳаракатларимизни давом эттириш, чегараларимизда кескинликни келтириб чиқариши мумкин бўлган барча уришишларнинг олдини олиш борасида миллий армиямизнинг тайёргарлигини кучайтириш, биз танлаб олган тараққиёт йўлига қарши қаратилган ҳар қандай тажовузкор ҳаракатларга ўз вақтида ва муносиб зарба бериш ўта муҳим, деб ҳисоблайман.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ўзининг тинчликсевар сиёсатидаги ҳамisha содиқ бўлиб келганини ва шундай бўлиб қолишини яна бир бор таъкидлаш зарур. Бизнинг Ҳарбий доктринамиз мудофаа хусусиятига эга бўлиб, Қуролли Кучларимизни мустаҳкамлаш, бериш навбатда, давлат суверенитети ва мамлакатимизни ҳудудий яхлитлигини, одамларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишга йўналтирилгандир. Мамлакатимиз Мудофаа доктринасига кўра, бизнинг армиямиз Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ҳарбий ҳаракатлар ва операцияларда иштирок этмайди.

Қадрли дўстлар!

Мана шу қутлуг байрам айёмида сиз, азизларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман. Барча ҳарбий хизматчилар – аскар ва сержантлар, офицер ва генералларга, шунингдек, Қуролли Кучларимиз фахрийларига, мутахассис фуқароларга, ўз тақдирини она-Ватанимизни ҳимоя қилишдек муқаддас, шарафли ва масъулиятли бурчни адо этишга бағишлаган барча-барча инсонларга фидокорона хизматлари учун самимий миннатдорлик билдираман.

Янги – 2015 йилда барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти,  
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони

## УНВОН МУБОРАК, ҲАМКАСБЛАР!

Элу юртимиз тинчлиги, осойишталигини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшгани ҳамда 14 январь – Ватан Ҳимоячилари куни муносабати билан қуйидаги ходимларга навбатдаги «полковник» махсус ва ҳарбий унвони берилди.



**Ходжаев Шухрат Нигматуллаевич** – Тошкент шаҳар ИИББ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи



**Олимов Махмуд Кўчқорович** – Тошкент вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари – Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи



**Музаффаров Ўлмас Тораевич** – ИИБ ЁХОТМ бошлиғининг биринчи ўринбосари



**Курамбаев Гапур Бекчанович** – ИИБ ЁХОТМ бошлиғининг ўринбосари – ШТБИХ бошлиғи



**Муродов Баҳром Мурод ўғли** – ИИБ ТОХТБЮ умумҳарбий фанлар кафедраси бошлиғи

## ТАЙИНЛАНДИ



**Подполковник Нозим Нигматуллаевич ХОДЖАЕВ** – Қашқадарё вилояти ИИБ Ёнги хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи лавозимига

## МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ БАЙРАМИ



**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги ва Ватан Ҳимоячилари куни муносабати билан Мустақиллик майдонида ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу мақсадларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига тантанали равишда гул қўйиш маросими бўлиб ўтди.**

Мустақиллик майдонида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси вакиллари тантанали тарзда саф тортди. Ватан Ҳимоячилари ҳарбий оркестр мусиқа садолари остида Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди. Бу анъана замирида халқимизнинг энг бебаҳо неъмат бўлмиш тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва осмонимиз мусаффолигини нақадар кадрлаши муржасам. Ушбу буюк бойликни асраб-авайлаш эса энг шарафли ва фахрли касб эгалари – Ватан Ҳимоячиларининг муқаддас бурчидир.

Президентимиз, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони Ислам Каримовнинг мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги муносабати билан Ватан Ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида мустақил демократик

Ўзбекистон давлатини барпо этиш ва ривожлантириш бўйича биз босиб ўтган буюк ва шонли йўл миллий армиямизнинг – ён-атрофимиздаги мураккаб ва таҳликали вазиятда тобланган, Ватанимиз мустақиллиги, суверенитети, унинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётининг ҳамиша ишончли кафолати бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам шундай бўлиб қолаётганини неча бор исботлаб берган мамлакатимиз Қуролли Кучларининг шаклланиши билан узвий ва чамбарчас боглиқ ҳолда кечди, деб айтишга бугун барча асосларимиз борлиги таъкидланди.

...Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди. Ушбу тантанали лаҳзаларда миллий куч-қудратимиз, буюк аجدодларимизнинг юксак заковати ва мустаҳкам иродаси кўз олдимизда намоён бўлади. Ватан Ҳимоячилари қалбида барчамиз учун ягона бўлган Ўзбекистон билан фахрланиш туйғулари жўш уради.

Пойтахтимиздаги “Ватанга қасамёд” монументи пойига ҳам тантанали гул қўйиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу монументда азамат ўғлон давлатимиз байроғини кўзига тўтиё қилиб, Ватан Ҳимояси учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамёд қилаётгани ифода этилган. “Ватанга қасамёд” монументи Ватан Ҳимоячиларининг жасорати ва шон-шарафининг ёрқин тимсоли, халқимизнинг уларга бўлган ҳурмати ва меҳр-муҳаббати ифодасидир.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Қуролли Кучлар шахсий таркибининг жанговар тайёргарлиги, таъминоти ва маҳоратини ошириш, армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Бунинг самарасида ихчам ва тез ҳаракатланадиган профессионал миллий армиямиз шакллантирилди. Бугунги кунда ҳарбий хизмат нафақат

бурч, балки шон-шараф ишига, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз осойишталиги кафолатига айланди.

– Бизга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз, – дейди II даражали «Шон-шараф» ордени соҳиби, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаб бошқарма бош муҳандиси, подполковник Б.Кайимов. – Барчамизни мамлакатимизга хизмат қилиш, уни турли таҳдидлардан асраш, Ватанимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда фаол иштирок этиш истаги бирлаштириб туради. Шу боис Ватанимиз олдидаги ўз бурчимизни шараф билан адо этишга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этмоқдамиз. Юртдошларимиз доимо мусаффо осмон остида, фаровон ва гуллаб-яшнаётган мамлакатда бахтли ҳаёт кечирсин.

**Роман БОНДАРЧУК, ЎЗА муҳбири. Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

## ФИДОЙИ ХИЗМАТ ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Мукумов Жасур Нематкулович** – Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Нийёзов Мухаммади Бозорович** – Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Самадов Зокир Нийёзович** – Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси тоғли ҳудудларда оператив хизмат кўрсатиш бўйича жиноят қидирув бўлини маси катта тезкор вакили

**Тургунов Умиджон Алимжонович** – Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Ҳасанов Жасурбек Баходирович** – Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» медали билан**

**Жалилов Акбаржон Қодирович** – Самарқанд вилояти Иштихон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Иброхимов Мурод Соипович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Исламов Ботир Султанбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм батальон командири

**Махмадазизов Марифжан Шарифович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси бошлиғи

**Ортиков Илхомжон Комолидинович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Палуаниязов Данияр Каниязович** – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсуслаштирилган жазони ижро этиш колонияси махсус бўлим бошлиғи

**Тоштанов Алишер Сапаралиевич** – Андижон вилояти Марҳамат тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлини маси катта тезкор вакили

**Шеров Фаррух Абдиназарович** – Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**«ШУҲРАТ» медали билан**

**Куртумеров Эрнест Ризаевич** – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси тоғли ҳудудларда оператив хизмат кўрсатиш бўйича жиноят қидирув бўлини маси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Салимов Эргаш Каримович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Мамлакатимиз тинчлиги ва равнақи йўлидаги фидокорона хизматлари муносиб баҳоланган ҳамкасбларимизни Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан чин дилдан муборакбод этамиз.**

## ДУНЁДАН



## ДАРАКЛАР

## ОМАД КУЛИБ БОҚҚАНДА

Яқинда АҚШда бўлиб ўтган «Мега Millions» лотерея ўйинида Нью-Йорк шаҳрилик 80 ёшли Гарольд Даймонд жекпот соҳиби бўлди. Унга 326 миллион АҚШ доллари миқдорида ютуқ чиқди. Собиқ бошланғич мактаб ўқитувчиси 197 миллион долларни бирийўла оладиган бўлди. Ютуқнинг қолган қисми эса барча солиқлар тўланганидан сўнг қўлига тегади. «Бунча пулни умримда кўрмаганман, ҳатто тасаввур эта олмайман. Хотиним кўзларига ишонмай лотерея чиптаси рақамларини бир неча марта текшириб кўрди», дейди омадли қария.

Гарольд лотерея чиптасини ўйин бўлиб ўтишидан бир кун олдин тасодифан сотиб олган. Эртаси кунни голф ўйнагани борса, клубдагилар Валеро туманидаги 302-шосседа сотилган чиптага жекпот чиққанини айтиб қолишди. Шундан Гарольд ўзи бир кун олдин кечкурун ўша ердан лотерея сотиб олганини эслаб, уйига шошилади.

## ГАРОЙИБ КЎРГАЗМА

Лондондаги «Dulmich» суратлар галереяси гаройиб кўргазма ташкил этишни режалаштирди. Кўргазмага машҳур мусаввирларнинг дурдона санъат асарлари билан ёнма-ён уларнинг қалбаки нусхалари ҳам қўйилади. Галереяга ташриф буюрган тасвирий санъат ихлосмандлари эса ўзига хос эксперт вазифасини бажаришади – улар асл нусхасини қалбакисидан фарқлашлари керак бўлади. Тўғриси айтганда, «қалбаки» сўзини қўллаш унчалик ўринли эмас. Сабаби, буюртма бўйича хитойлик талабалар яратган бу суратлар асл нусхаларидан одатда катта-кичиклигига қараб фарқ қилади.

## МУТАХАССИСЛАР ИШГА КИРИШИШДИ

Ёдингизда бўлса, 2014 йилнинг 28 декабрида Индонезия авиакомпаниясига қарашли аэробус Ява денгизи устида ҳалокатга учраган эди. Яқинда денгиз тубидан самолётнинг ўзиёзар қурилмалари топилди. Мутахассислар уларни ўрганишга киришишди. Расмий вакилларнинг сўзларига қараганда, текшириш натижалари бўйича дастлабки маъруза бир ой давомда тайёр бўлади. Ҳаво лайнерининг ҳалокати сабаблари бўйича текширишнинг якуний натижалари эса камида бир йилдан сўнг эълон қилинади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

## ЮРТБОШИМИЗ АСАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат интизомини мустаҳкамлаш, маънавий, сиёсий билими ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Республика ИИБ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Олмалиқ шаҳар марказида ўтказилган навбатдаги тадбир Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номи китобини ўрганишга бағишланди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тадқиқотчиси, тарих фанлари номзоди С. Элмуратов мазкур китоб жамиятимиз маънавий ҳаёти ва халқимиз сиёсий тафаккурини бойитишда улкан аҳамият касб этишини таъкидла-

ди. Маърузачи, шунингдек, китоб яқин ўтмишимизнинг мураккаб тарихий-сиёсий босқичлари, жумладан, тасаввур қилиш қийин бўлган ғоят оғир ва таҳликали вазият, Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинишигача бўлган курашлар ҳақида батафсил маълумот беришини қайд этди.

Тадбирда «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобининг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва ички ишлар идоралари ходимларининг мустақилликни мустаҳкамлаш борасидаги вазифаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир доирасида, бундан ташқари, «Одам савдоси ва ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматлари фаолиятини ташкил этиш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Ислом АХМЕДОВ,  
подполковник.

## Хабарлар

## ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ



Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан ИИБ Фахрийлар кенгаши ҳамда ИИБ ШТБХ Тарбиявий ишлар бошқармаси ҳамкорлигида вазирлик Академиясида икки авлод учрашуви ташкил этилди.

Унда кенгаш раисининг биринчи ўринбосари, истеъфодаги полковник Ў. Жўраев сўзга чиқиб, тингловчиларга билим – яшаш, дунёни, ўзликни англаш кууроли эканлигини, у иродани ўстириб, тоблаши, кишини мард, довурак инсонга айлантириши ва комиллик сари етаклашини таъкидлади.

Нотиқ истиқлол йилларида республика ички ишлар идораларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бо-

расидаги ишлар хусусида гапираркан, шахсий таркибнинг маънавий-маърифий билимини ошириш, уларда ижобий фазилатларни камол топтириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда бир қатор ишлар амалга оширилганини эътироф этди.

Учрашувда сўз олган вазирлик Фахрийлар кенгаши аъзоси, истеъфодаги генерал-майор Р. Каримов ёшлар қалбидан юртга садоқат, ватанпар-

варлик ва бағрикенглик туйғусини шакллантиришда аввало, Ватан, унинг муқаддас эканлиги мазмун-моҳиятини англаш, мамлакат равнақи йўлида билим ҳамда тажрибани ошириш лозимлигини уқтирди.

Кизиқарли ўтган учрашувда тингловчилар фахрийларнинг қимматли насиҳатлари келгуси фаолиятида асқотишини таъкидлашди.

\*\*\*

ИИБ Академияси дала-ўқув майдонида ташкил этилган учрашув ҳам ватанпарварлик руҳида ўтди. Унда вазирлик Фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари, истеъфодаги

полковник Ф. Юлдашев ҳамда ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник М. Татарников ўқув йиғинига ташриф буюрган шаҳар-туман ИИБ бошлиқларининг хизмат бўйича ўринбосарлари билан қизгин мулоқотга киришди.

Сўзга чиққанлар жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан бирга, шахсий таркиб ўртасида қонунийликни мустаҳкамлаш, ёш ходимларни она-Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат руҳида тарбиялаш лозимлигини уқтиришди.

Азизжон ФАЙЗИЕВ.

## ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА

Ўз уйда тинчликни таъминлай олган ходимгина юрт осойишталигини сақлашдек масъулиятли вазифани шараф билан бажара олади. Шу бондан кўриқлаш хизмати ходимларининг руҳий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг турмуш тарзи, оилавий ахлоқидан мунтазам хабардор бўлиш раҳбариятнинг доимий диққат марказида.

Республика ИИБ ҳузуридаги «Кўриқлаш» бирлашмаси Мустақиллик майдони ва майдонда жойлашган маъмурий биноларни кўриқлаш бўйича комендатураси ҳамда алоҳида милиция батальонида шахсий таркиб ўртасида хизмат интизомини мустаҳкамлаш, уларнинг руҳий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ходимларнинг ота-оналари, яқин қариндошлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда бирлашма бошлигининг ўринбосари, подполков-



ник Ф. Ражабов, ШТБХ ахлоқий-психологик таъминлаш бўлинимаси бошлиғи, катта лейтенант Г. Маликова комендатура ҳамда алоҳида милиция батальони раҳбарияти вакиллари, ота-оналар сўзга чиқиб, кўтарилган мавзунинг долзарблиги ҳақида атрофлича фикр юритишди. Шунингдек, шахсий таркиб ўртасида қайд этилаётган қонунбузилиш ҳолатлари ҳамда оилавий низоларни бартараф этиш, уларнинг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш, хизмат



самарадорлигини оширишда бундай ҳамкорликнинг аҳамияти катта эканлигини ҳаётий мисоллар орқали сўзлаб беришди.

Соҳавий хизматлар вакиллари томонидан содир этилган нохуш ҳолатлар акс этган слайдларнинг намойиши учрашув қатнашчиларига тегишли хулоса чиқариб, ходимларнинг ўз бурчига виждонан ёндашишлари, ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғри ва оқилона қарорлар чиқаришлари йўлида хизмат қилиши, шубҳасиз. Комендатура ва алоҳида

милиция батальонида узоқ йиллар хизмат қилган ходимларнинг хурмат-эҳтиром билан нафақага кузатилгани тадбирга ўзгача завқ бағишлади. Аънаана мувофиқ уларга эсдалик совғалари топширилди.

Бундан ташқари, намунали хизматлари билан ҳамкасбларига ибрат бўлаётган бир гуруҳ ходимлар Фахрий ёрлик ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ,  
Абу КЕНЖАЕВ  
олган суратлар.

## КИТОБ ЯРМАРКАСИДАН БАРЧА ХУРСАНД

Республика ИИБ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Фарғона шаҳар маркази шахсий таркиби, курсант ҳамда тингловчилари билан навбатдаги маърифат ва сиёсий ўқиш машғулотлари «Нефтчилар» маданият саройида ўтказилди.

Машғулотдан сўнг маданият саройида ташкил этилган «Китоблар ярмаркаси» барчага манзур бўлди. Барча офицер ходимлар ҳамда курсант ва тингловчилар ўзларини қизиқтирган мавзудаги ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ба-

дий адабиётлардан харид қилишди. Айтиш жоизки, ушбу китоблар ходимларнинг маънавий билимини янада оширишга ҳисса қўшиши билан аҳамиятлидир.

А. ЭМИНОВ,  
подполковник.



# ВАТАН — УЛУҒ, БУРЧИМ МУҚАДДАС!

**Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган байрам тадбири ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Уни билим юрти бошлиғи, генерал-майор А. Қўлдошев очиб, йиғилганларни ушбу айём билан муборакбод этди ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг табригини ўқиб эшиттирди. Бугунги тинч ва осойишта замонда халқимизнинг фаровон яшаши, мамлакатимиз ҳар соҳада тараққиётга юз тутиб, жаҳонда нуфузи ортиб боришида шубҳасиз мард ва жасур ўғлонларимизнинг қуну тун собитлик билан хизмат қилаётгани турганини таъкидлади.**

Айтиш жоизки, миллий армия сафларига юксак салоҳиятли, ҳар жиҳатдан етук ёшларнинг саралаб олинаётгани, ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаб, имтиёзли тавсиянома билан олий таълим муассасаларига ўқишга киришида уларга яратилаётган имкониятлар ҳам Қуролли Кучларимизнинг нечоғли нуфузи ортиб бораётганидан далолатдир. Айни чоғда мазкур билим юрти биринчи курс курсантларининг 74 фоизи ана шундай имтиёзни қўлга киритганлар экани ҳам эътироф этилди.

Тадбирда таълим муассасасининг бир гуруҳ ходимларига Ички ишлар вазирининг буйруғига кўра «**A'lo xizmatlari uchun**» кўрак нишони, Фахрий ёрлик ва эсдалик қўл соатлари тантанали равишда топширилди. Ўз навбатида фахрийлар, тақдирланганлар сўзга чиқиб, дил изҳорларини билдиришди.

Тадбир концерт дастурига улаиб кетди. ИИБ Маданият саройи ашула ва рақс ансамбли ҳамда Қоровул кўшиқлари ашула ва рақс ансамбли хонандалари томонидан ижро этилган кўшиқлар, рақслар барчага кўтаринки руҳ бағишлади.

**Фозил МАМАШАРИПОВ.**

\*\*\*

Тинчлик – бебаҳо неъмат. Зотан, ИИБ Қоровул кўшиқларига қарашли подполковник Ш. Шамсутдинов командирлик қилаётган ҳарбий қисмда Ватан ҳимоячилари

ри кун муносабати билан бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбирнинг «Тинчлик учун курашмоқ керак» деб номланиши ҳам бежиз эмас. Зеро, мазкур қисмда хизмат вазифини ўтаётган ҳарбий хизматчилар бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари қаторида тинчлик ва осойишталикни таъминлашга катта ҳисса қўшиб келишмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сурган жойда эзгу ишлар давом этиши, осмонимиз мусаффолигини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлида қилинаётган бекиёс саъй-ҳаракатлар ана шу бебаҳо неъматлар туфайли эканини алоҳида таъкидлашди.

Шу кунги ҳарбий қисм ходимларидан бир гуруҳи Яшнабод туманидаги 206-ўрта мактабда бўлиб «Она юртни мард ўғлонлар кўриқлайди» мавзусида ўқувчилар билан давра суҳбати ўтказишди. Учрашувда ҳарбийлар Ватани ҳимоя қилиш, унинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш нақадар шарафли касб эканини ёшларга жонли мисоллар орқали сўзлаб беришди.

Шунингдек, мазкур ҳарбий қисмнинг 5-ўқчи батальонида ҳам Ватан ҳимоячилари кунига катта тантана билан нишонланди.

Унда сўзга чиққан батальон командир вазифасини вақтинча бажарувчи, капитан Х. Баҳромов, Бўстонлик тумани «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши раиси М. Юнусова ва бошқа-

лар Ватан посбонларини байрам билан самимий қутлар экан, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш, шу муқаддас замин равнақи, фаровонлиги учун хизмат қилиш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Тадбирда ўтган йили спортнинг турли йўналишлари бўйича ютуқларни қўлга киритган ҳамда намунали хизматлари билан ҳамкасбларига ўрнатилган ходимлар Фахрий ёрлик ва медаллар билан тақдирланди.

Санъаткорларнинг дилрабо куй-қўшиқлари кечанинг мазмунли ўтишини таъминлади.

**А. ШЕРЗОДОВ.**

\*\*\*

Республика ИИБ Қоровул кўшиқларига қарашли подполковник З.Юлдашев раҳбарлик қилаётган ҳарбий қисмнинг 6-батальонида «Мардлар кўриқлайди Ватани!» мавзусида семинар-машғулот бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда Бухоро давлат тиббиёт институти кафедра мудири, доцент Қ. Турсунов ҳамда Когон шаҳар ҳокимлиги маънавият-тарғибот бўлими раҳбари Б. Ёдгоров мавзу юзасидан маъруза қилиб, халқимизнинг мард, жасур фарзандлари борлиги боис, тинчлик ва осойишталик бардавом бўлаётганини таъкидлашди. Шунингдек, ҳарбийларга давлатимиз томонидан яратилаётган шарт-шароитлар, имтиёзлар тўғрисида тўхталиб ўтишди.

Бундан ташқари, тадбир доирасида «Очиқ эшиклар кунига» ҳам ўтказилди. Унда Когон саноат ва транспорт касб-хунар коллежи ўқувчилари иштирок этишди. Улар аскарларга яратилган шароит ва қулайликлар билан яқиндан танишиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Дониёр ФАЙЗУЛЛАЕВ,**  
**майор.**



**Транспортдаги ички ишлар бошқармасида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Бошқарма бошлигининг ўринбосари, подполковник Т. Давиров тадбирни очар экан, ёш ходимларни она юртга муҳаббат, бурчга садоқат руҳида тарбиялаш долзарб вазифа эканлигини таъкидлади. Зеро, осойишталик посбонлари нафақат ўз касбларининг устаси, айни пайтда юксак маънавий фазилатлари билан бошқаларга ибрат бўлишлари лозимлигини қайд этди.**

Шундан сўнг тадбирга тақлиф этилган Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир сўзга чиқиб, бурч, ватанпарварлик, орномус шунчаки баландпарвоз сўзлар эмаслиги ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этди. Ватанга, халққа муҳаббатини намоеън этиш учун киши фақат қаҳрамонлик кўрсатиши шарт эмаслигини, ўз вазифасини сидқидилдан, фидойиларча бажариш ҳам ана шу меҳру муҳаббат, садоқат ифодаси эканлигини уқтирди. Айни пайтда Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби кўплаб улғун аждодларимиз юксак ватанпарварлик, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатганликларини эслатиб ўтди. Уларга муносиб авлод бўлиш ҳар би-

римизнинг бурчимиз эканлигини айтди.

Шоирнинг Ватан, халқ, меҳроқибат, одамийлик ҳақида ўқиган шеърлари барчани тўлқинлантириб юборди. Ходимлар орасидан бадиий ижодга ҳавасманд бўлганлар ҳам Ватан ҳимоячиларига бағишланган ўз шеърларини ўқиб беришди.

Тадбир якунида подполковник Т. Давиров Маҳмуд Тоирга мазмунли суҳбати, самимий шеърлари учун миннатдорлик билдирди. У ана шундай жонли, қизиқарли учрашувлар шахсий таркибининг дунёқарашини кенгайтиришда, маънавий дунёсини бойитишда муҳим омил эканлигини алоҳида эътироф этди.

**Е. КУЗНЕЦОВА.**

**Суратда: тадбир пайти. Ш. КАХҲОРОВ олган сурат.**

## Хушxabар

### Янги Ёнғин хавфсизлиги қисми соҳа ходимларига ажойиб туҳфа бўлди

Мамлакатимизда аҳоли сонининг ўсиб бориши, янги-янги турар жойларнинг барпо этилаётгани, кўплаб ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга тушаётгани ёнғин хавфсизлиги қисмлари сонини кўпайтириши тақозо этмоқда. Зангиота республикамиздаги йирик туманлардан биридир. Яқинда тумандаги «Кўксарой» қишлоқ фуқаролар йиғинида янги касбий ёнғин хавфсизлиги қисми бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Гап шундаки, қишлоқ врачлик пунктининг эски биноси туман ИИБ ЁХБ ихтиёрига ўтказилганди. Ўтган даврда мазкур бино замонавий услубда қайта таъмирланди, кўшимча хоналар, ёнғин ўчириш автомашинаси учун бокс ва бошқа зарурий қурилмалар бунёд этилди.

— Мазкур ҳудуд туман марказидан олисда жойлашгани сабабли ёнғин содир бўлганда ёнғин ўчирувчиларнинг қисқа фурсатда етиб келишларининг имкони бўлмастди, — дейди республика ИИБ ЁХБ бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник Исмоил Шарипов. — Касбий ёнғин хавфсизлиги қисмининг очилиши бу

муаммага чек қўяди. Яна бир томони, аҳоли ўртасида профилактик тадбирларни олиб бориш учун ходимлар сонини кўпайди.

Таъкидлаш жоизки, янги бинода ходимларнинг хизмат қилиши учун барча шароитлар яратилган. Биринчи қаватда ошхона, дам олиш хонаси, хизмат хоналари жойлашган. Эътиборлиси, вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг бошланғич ўқув марка-



зи ҳам ташкил этилди ва бинонинг иккинчи қаватидан хоналар ажратилди.

— Ўқув марказида вилоятдаги шаҳар-туман ИИБ ЁХБларда хизмат бошлаган ходимлар учун бошланғич машғулотлар ўтилади, — дейди вилоят ИИБ ЁХБ бошлиғи, подполковник Абдуғани Авазов. — Бу ерда сафдорлар ёнғин хавфсизлиги хизматининг вазифалари, ёнғин ўчириш асбоб-ускуна-

лари, уларни ишлатиш, ёнғин рўй берганда қандай ҳаракат қилиш юзасидан дастлабки кўникмаларни олади. Ўз навбатида, улар амалий машқларда ҳам иштирок этишади. Бир сўз билан айтганда, сафдорлар республика ИИБ ШТБИХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Самарқанд шаҳар марказига бошланғич маълумот ва кўникмаларга эга ҳолда борадилар.

Тантанали тадбирда қисм учун республика ИИБ ЁХББ томонидан янги «Isuzu» ёнғин ўчириш автомашинаси топширилди. Вилоят ИИБ томонидан эса компьютер жамланмаси берилди. Шу билан бирга, касбий ёнғин хавфсизлиги қисми биносини қайта қуриш ва таъмирлашда иштирок этган ходимларга пул мукофотлари топширилди.

Тадбир муносабати билан ёзилган дастурхонга ёнғин хавфсизлиги хизмати фахрийлари ҳам тақлиф этилди. Санъаткорлар томонидан намойиш этилган концерт дастури тадбирга янада файз бағишлади.

**Феруза САЪДУЛЛАЕВА,**  
**подполковник.**  
**Садриддин ШАМСИДИНОВ,**  
**ўз мухбиримиз.**  
*Тошкент вилояти.*

## БАЙРАМОНА СОВҒА



**Зомин шаҳарчаси республикамизнинг тоғли ҳудудида жойлашган бўлиб, кейинги йилларда кўплаб замонавий бинолари билан тобора чирой очиб бормоқда. Яқинда шаҳарчада яна бир бино қад кўтарди. Ватан ҳимоячилари кунига арафасида битказилган икки қаватли бино Зомин тумани ИИБ хузуридаги туманлараро кўриқлаш бўлимига топширилди.**

— Бўлим жойлашган бино анча эскириб атрофдаги замонавий бинолар олдида кўримсиз бўлиб қолганди, — дейди Жиззах вилояти ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлими бошлиғи, подполковник Иброҳим Қаршибоев. — Ўтган йили вилоят ИИБ раҳбарияти ташаббуси билан янги бино қуришга қарор қилинди.

Шаҳарнинг шохқўчасида қурилган бинони кўрган ҳар бир кишининг ҳаваси келади. Унинг ён-атрофдаги биноларга уйғунлашиб кетгани меъморчилик ишлари пухта бажарилганини кўрсатиб турибди.

Бино ўн тўрт хонадан иборат бўлиб, ходимларнинг хизмат қилиши, дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Ошхона, овқатланиш хоналарига за-

рур анжомлар келтирилди. Янги биного замонавий кўриқлаш, хабарлов ва алоқа воситалари ўрнатилди. Хоналар замонавий мебеллар билан жиҳозланди. Маърифат хонаси сиёсий, ҳуқуқий ва бадиий адабиётлар билан таъминланди.

Бинонинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси ИИБ хузуридаги «Кўриқлаш» бирлашмаси, вилоят ИИБ, Зомин тумани ИИБ ва туман ҳокимлиги раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда ИИБ «Кўриқлаш» бирлашмаси томонидан туманлараро кўриқлаш бўлимига хизматда фойдаланиш учун «Дамас» автомашинаси топширилди.

**Фурқат ЖАББОРОВ,**  
**катта лейтенант.**

## Қарор ва ижро

ЯНА БИР  
ИМКОНИЯТ

**Мамлакатимиз Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона шаҳридаги тергов ҳибсхонасида суд жараёни бўлиб ўтди.**

— Амнистия тўғрисидаги қарорга асосан 20 нафардан зиёд маҳкум жазодан озод этилди, 24 нафар маҳкумнинг жазо муддати тегишли тартибда қисқартирилди, — дейди муассаса бошлиғи, полковник Адҳамжон Эсонов. — Озодликка чиқаётган маҳкумлар билан суҳбат ўтказилиб, уларнинг келгусида бундай хатоларга йўл қўймаслиги, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида оила аъзолари ва яқинларига наф келтирадиган фойдали ишлар билан шуғулланиши ҳақида маслаҳатлар берилди. Бизнинг мақсадимиз озодликка чиқаётган ҳамюртларимиз тиканли сим ортига бошқа қайтиб келишмасин.

Ҳулмоназир Парпиев Тошлоқ туманидан. У беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Амнистия туфайли муддатидан олдин оиласи бағрига қайтаётганидан хурсанд.

— Юртбошимиздан, ҳукуватимиздан миннатдорман, — дейди у. — Менга кўрсатилган ғамхўрликни ҳалол меҳнатим билан оқлашга сўз бераман. Бундан кейин оиламга ва халқимизга манфаат келтирадиган ишлар билан шуғулланиб, юртимиз фаровонлигига ўз ҳиссамни қўшаман.

Амнистия тўғрисидаги қарор ижросига Бешариқ туманида ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

— Ҳозирда туман ИИБ ҲООб ЖИЭГ ҳисобидаги маҳкумларнинг 98 нафарига нисбатан амнистия акти қўлланилиши кўзда тутилган, — дейди туман ИИБ ҲООб бошлиғи, майор Ўқтамбек Эргашев. — Айни пайтда жазони ижро этиш муассасасидан оила аъзолари бағрига қайтиб келган фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни ишга жойлаштириш масалалари ҳал этиляпти.

Фуқаро Азимжон Фаниев ҳам муқаддам жиноят содир этиб, озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган эди. Амнис-

тия акти асосида унинг қилмиши кечирилди ва муддатидан олдин оиласи бағрига қайтиб келди. Ҳозирда туман ИИБ ҲООб ҳодимлари томонидан унга янги биометрик паспорт олишида амалий ёрдам кўрсатилиб, тиббий кўрикдан ўтиши учун йўлланма берилди.

Шунингдек, туман ИИБ тергов бўлими томонидан ҳам юригувда бўлган 11 та жиноят ишига нисбатан амнистия актини қўллаш кўзда тутилиб, туман прокуратурасига тақдимнома киритилди.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда амнистия тўғрисидаги қарор таълабларини бажариш бўйича тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Профилактика инспекторлари, маҳалла фаоллари ва бошқа мутасадди идоралар вакиллари ҳамкорлигида амнистияга асосан жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларга ижтимоий кўрикма марказлари орқали белгиланган миқдорда моддий ёрдам кўрсатиш, уларни тиббий кўридан ўтказиш, фуқаролик паспорти билан таъминлаш ишлари ташкил этиляпти. Инсонпарвалик тамойили қўлланилиб, жазодан озод этилганлар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларнинг оиласидаги муҳит атрофлича ўрганиб чиқилиб, маҳалла-лардаги обрўли кишилардан мураббийлар бириктириш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари билан биргаликда уларни ишга жойлаштириш чоралари кўриломоқда.

Ҳа, кечиримлилик халқимизга хос фазилат, давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг инсонпарварлигидан далолат. Ўйлаймизки, жазодан озод этилганлар бундан тўғри хулоса чиқарадилар.

**Бўрибой ОМОНЗОДА.**  
Фарғона вилояти.

## «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови

## ХАТИРЧИДАГИ НАМУНАЛИ МАСКАН

**Республика ички ишлар идораларида «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови ўтказиб келинаётганлиги профилактика инспекторларининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро тажриба алмашишида муҳим омил бўлмоқда. Яқинда Навоий шаҳридаги «Ширин» маданият саройида мазкур кўрик-танловнинг вилоят босқичи ўтказилди.**

Тадбирни вилоят ИИБ ҲООб бошлиғи, подполковник О. Шамсиев кириш сўзи билан очиб, ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур кўрик-танловнинг аҳамияти тўғрисида тўхталди. Вилоятдаги милиция таянч пунктларининг ҳар бири чуқур ўрганилгани, профилактика инспекторларининг фаолияти таҳлил этилгани, ютуқ ва камчиликлари холис баҳоланганини айтиб ўтди.

Кўрик-танлов шартига кўра профилактика инспекторларининг ҳамжиҳатлиқда ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш борасида олиб бораётган ишлари ҳайъат аъзолари томонидан муносиб баҳоланди.

Кўрик-танлов якунига кўра, профилактика инспектори, катта лейтенант Жамшид Тожиев хизмат қилаётган Хатирчи туманидаги 97-милиция таянч пункти биринчи ўринни эгаллади ва респуб-



лика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Қизилтепа туманидаги 43-милиция таянч пункти (профилактика инспектори, катта лейтенант Абдулло Олимов) иккинчи, Кармана туманидаги 51-милиция таянч пункти (профилактика инспектори, капитан Отабек Саидов) учинчи ўринга муносиб топилди.

Танловда Навбаҳор тумани ИИБ ҲООб милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Азамат Сапарбоев «Энг

маҳоратли профилактика инспектори» номинацияси бўйича ғолиб чиқди. «Ёш авлод ҳимоячиси» номинацияси бўйича ғолиблик Зарафшон шаҳар ИИБ ҲООб ВЕҮН ва ХПГ катта инспектори, капитан Олим Кўзиевга насиб этди. Шунингдек, тадбирда «Энг обод ва осойишта маҳалла раиси», «Фидойи маҳалла посбони», «Энг фаол маърифатпарвар маслаҳатчи», «Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотининг ибратли раиси», «Энг фаол хотин-қизлар

кўмитаси раиси», «Адолатли яраштириш комиссияси», «Баркамол авлод етакчиси», «Энг фаол касаба уюшмаси ташкилоти етакчиси», «Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича энг фаол ҳоким» номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Ғолибларга вилоят ИИБ ва ҳомийлар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Мирзокул АҲАДОВ.**  
Навоий вилояти.

## ҒОЛИБЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

**Сирдарё вилоятидаги мавжуд 275 та маҳаллада 103 та милиция таянч пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 96 таси маҳалла фуқаролар йиғинлари билан бир бинода жойлашган. Бу масканларнинг аксарияти атрофида вояга етмаган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун спорт майдончалари, қирқ фоизда турли хил тўғарақлар, учдан бир қисмида эса бизнес марказлари ташкил этилган.**

Жойларда профилактика инспектори ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ҳамжиҳатлиқда ишлаётганлари, ўзаро ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётгани боис ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятлар сони камайиб бормоқда. Буни Ховос тумани «Фарҳод» маҳалла фуқаролар йиғини мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтган йили маҳаллада ҳеч қандай ҳуқуқбузарлик содир этилмади. Жанжалкаш, спиртли ичимликка ружу қўйганлар кескин камайди. Кимларнидир ваъдасига учиб хорижга ишлашга

кетмоқчи бўлган йигирма нафардан ортиқ ёшлар билан суҳбат ўтказилиб, уларга иш топиб берилди. Бу маҳалла фуқаролар йиғинларининг асосий вазибаларидандир. Яқинда ўтказилган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг вилоят босқичида ана шулар ҳисобга олинди. Шу билан бирга, милиция таянч пунктнинг жиҳозланиши ва атрофидаги инфратузилмаларга алоҳида эътибор берилди. Шунингдек, вояга етмаганларнинг бўш вақтларини самарали ўтказишлари учун ўйингоҳлар ва бошқа турдаги

тўғарақлар, тикув-бишув цехлари каби бошқа бир қатор маданий-маиший шохобчаларнинг ташкил этилганлиги ҳамда номинациялар бўйича кўрик-танловда қатнашаётган номзодларнинг иш фаолиятлари, билимларига ҳар томонлама баҳо берилди.

Ҳайъат қарорига асосан Ховос тумани «Фарҳод» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 100-милиция таянч пункти ғолиб деб топилди. Янгиер шаҳридаги «Бобур» маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат кўрсатаётган 34-милиция таянч пунктига иккинчи ўрин, Сирдарё тумани «Қуёш» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 20-милиция таянч пунктига учинчи ўрин берилди.

Ҳайъат аъзолари томонидан Ховос тумани ИИБ профилактика инспектори, майор Дилшод Маҳмадқулов «Энг маҳоратли профилактика инспектори» ва

Мирзаобод тумани ИИБ ҲООб вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси гуруҳи инспектори, лейтенант Мансур Байёшов «Ёш авлод ҳимоячиси» номинациялари ғолиби деб топилди. Шунингдек, «Энг обод ва осойишта маҳалла раиси», «Фидойи маҳалла посбони», «Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотининг ибратли раиси», «Энг фаол хотин-қизлар комиссияси раиси», «Адолатли яраштириш комиссияси», «Баркамол авлод етакчиси», «Энг фаол касаба уюшмаси ташкилоти етакчиси», «Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича энг фаол ҳоким» номинациялари бўйича ғолиблар ҳам аниқланди.

**Улуғбек ХАЙДАРОВ,**  
катта лейтенант.  
Сирдарё вилояти.

Юксак мукофот соҳиблари

## БУРЧГА САДОҚАТ НАМУНАСИ

**Шофирконлик Ғайбулла ака уйга кириб келганида ўн икки ёшли Қоҳиржон телевизор қаршида ўтириб «Ватанимга хизмат қиламан!» кўрсатувини томоша қиларди. Ҳар гал ишдан қайтганида олдига чопқиллаб чиқадиған ўглининг ойнаи жаҳон қаршида михланиб ўтирганидан ҳайрон қолган ота:**

**– Тинчликми, Қоҳиржон, кайфиятинг йўққа ўхшайди? – дея сўради.**

**– Аксинча, дада мана шу кўрсатувни кўриб, келажакда мен ҳам аскар бўлишга, Ватанимга хизмат қилишга аҳд қилдим.**

**Ғайбулла ака қувонганидан кўзларига ёш олиб, уни бағрига босди ва узундан узок дуо қилди...**



ҳарбий қисмда дастлабки кунданоқ ўз вазифасини тартиб-қоидаларда белгилангани каби бажаришга киришди. Қоровул бошлиги сифатида қўл остидаги ходимларни хизматга янада масъулият билан ёндашишга ундади, маънан етуқ, жисмонан соғлом бўлишлари йўлида астойдил меҳнат қилди.

Ўтган йиллар давомида катта сержант Қоҳиржон Ўринов кўплаб ҳамкасблари қаторида жиноятчиларнинг қилмишларини фош этиш ва қонуний жазо олишини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб, кўпчиликка ибрат кўрсатди. Масалан, бундан анча йил олдин ўз она юртига хиёнат қилиб, жавобгарликдан қочиб юрган ашаддий жиноятчиларни хорижий давлатларнинг биридан тутиб келиш вазифаси у бошчилигидаги гуруҳ зиммасига юклатилди. Бу иш ўзига хос масъулият талаб этарди, чунки жиноятчилар ва улар ортида турганлар анойилардан эмасди. Йўлда жиноятчилар ҳамтовоклари ёрдамида бир неча бор қочишга уринишди. Аммо қасамёдига содиқ мард ўғлонлар қандай бўлишини гуруҳ аъзолари ўз хушёрлиги, чапдаст ва чаққон ҳаракатлари орқали уларга яна бир

бор эслатиб қўйишди. Бу ашаддий жиноятчилар билан юзма-юз келиб, уларни қўлга олишда катта сержант Қ. Ўриновнинг хизмат фаолиятида ҳар қандай вазиятда мустақил ва тўғри қарор қабул қилишни пухта ўзлаштирганидан ҳам далолатдир.

Ватанимиз осойишталиги йўлида қилинган эзгу ишлар ҳеч қачон давлатимиз раҳбари, ҳукуватимиз эътиборидан четда қолган эмас. Катта сержант Қ. Ўринов ҳам юртимиз тинчлиги, осойишталигини таъминлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун Президентимиз Фармонида биноан Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллиги арафасида юксак мукофот – «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди. Хизмат жойига етиб келганида уни барча ҳамкасблари қуршаб олиб, бирин-кетин қутлашди, самимий тилаклар билдиришди. Ўшанда у саждагоҳ каби муқаддас, жаннатмонанд юрт – Ўзбекистонда туғилиб, камол топганидан, шу юрт фарзанди эканидан, унинг тинчлиги, осойишталиги йўлида хизмат қилаётганидан кўнглида беҳад фахр туйди. Хизматлари юксак даражада эътироф этилганидан чин дилдан суюниб, кўзларига севиноч ёшлари келди...

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.**

Мутахассис фикри

## ОДАМ САВДОСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ

**Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятини жиддий хавотирга солаётган муаммолардан бири – бу одам савдоси билан боғлиқ жиноий фаолиятнинг авж олиб бораётганлигидир. Биз мақоламизда бу фаолиятнинг асл моҳияти нимада, умуман, одам савдоси инсоният жамиятида қандай омиллар таъсирида шаклланган, унга қарши курашиш самарадорлигини баҳолаш мумкинми ва ниҳоят, унинг иқтисодий ва ҳуқуқий соҳалар доирасида мавжуд бўлиши ва ривожланиши сабаблари ҳамда қандай омиллар асосида бундай жиноий фаолиятга барҳам бериш мумкинлиги тўғрисида фикр юритмоқчимиз.**

Маълумки, инсоният тарихида кулдорлик даври илк бор одам савдоси билан боғлиқ жамиятни шакллантирди. Албатта, бу даврнинг ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар тизими, жамиятда ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланганлик даражаси ҳамда тенгсиз ҳуқуқий муносабатлар одам савдоси билан боғлиқ фаолият турининг шаклланишига объектив омиллар бўлган. Кейинчалик саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, турли кўринишдаги давлатчилик тизимининг такомиллашиб бориши ва жамият ҳаётида инсон асосий ишлаб чиқарувчи куч, ўз навбатида унинг ўзи адолатли қонун асосидаги ягона истеъмол субъекти сифатида эътироф этилиши билан бу омиллар инсоният цивилизациясига ўз таъсирини кўрсатди. Натижада, одам савдоси жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳозирги кунда жиноий фаолият сифатида қораланмоқда.

Шундан келиб чиқиб, бундай жиноий фаолиятга қарши курашиш самарадорлигини қандай баҳолаш мумкинлиги хусусида тўхталсак. Жамиятда яратиладиган умумий моддий неъматлар ва шаклландиган маънавий қадриятлар унинг бевоқифа барча аъзоларига тегишли эканлиги ҳамда адолатли тарзда уларнинг тақ-

симланиши зарурлиги эътироф этилмасдан туриб ҳеч бир жамият тараққий эта олмайди. Бошқача айтганда, ҳар бир инсон ўз ижтимоий ва иқтисодий мавқеи доирасида жамият фаровонлиги учун шундай ҳуқуқий муносабатларга киришадими, унда инсоннинг қадр-қиммати, эркинлиги, бурчлари ва иқтисодий фаолиятда иштирок этиш имкониятлари яхлит иқтисодий-ҳуқуқий тизим сифатида шаклланади. Бу тизим ўз ички тарихий-тадрижий моҳиятига кўра тараққийга йўналтирилгандир.

Демак, ҳозирги кунда ҳар бир инсон тараққийга йўлидан боришга хизмат қила олади. Одам савдоси билан боғлиқ жиноий фаолият эса ана шу тараққийнинг нафақат маънавий жиҳатдан, балки иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳам издан чиқишига олиб келади. Оқибатда умумий фаровонликка путур етади. Бу ерда гап айнан одам савдоси билан шуғулланаётганлар ёки унинг қурбонлари ҳақидаги на эмас, балки улар қаторида шу турдаги фаолият мавжуд жамиятга кўникиб бораётган барча инсонлар ҳақида бормоқда. Айни шу «кўникма»нинг баҳоси қанчага тушади? Унинг иқтисодий таъсири қандай баҳоланади? Биз, жамият аъзолари, бу «кўникма»дан халос бўлишни

истасак, қандай иқтисодий муносабатларни ривожлантиришимиз зарур. Бу муносабатлар қандай ҳуқуқий меъёрлар асосида тартибга солиб борилиши керак? Ана шулар ҳақида ўйлашимиз лозим.

Шу ўринда, биз «иқтисодиётнинг ахлоқи» деган тушунчадан фойдаланишни тақлиф этамиз. Бизнингча, бу ахлоқ қонуний иқтисодий фаолият натижасида яратиладиган жамият ихтиёридаги умумий моддий ва маънавий неъматлар барча жамият аъзолари ўртасида шундай тақсимланишни назарда тутувчи иқтисодий тартиб ва қоидаларки, уларнинг амалда бузилиши натижасида жамият фаровонлиги ўз қадр-қимматини пасайтириб боради. Нима демоқчимиз? Гап шундаки, жамият неъматларини «истеъмол» этувчилар – инсонлардир. Тўғри, фаровонликни моддий ташкил этувчилари мавжуд, уларнинг такомиллашуви бу фаровонликни юксалтиради. Қадр-қиммат инсондан ажралмас тушунча. Ҳар қандай иқтисодий фаолият тури билан уни ошириб бўлмайди. Алқисса, одам савдоси ана шу қадр-қимматни иқтисодий фаолиятнинг асосига қўяди. Инсон қадр-қимматини ҳеч қандай бойлик, пул ва бошқа моддий неъматлар билан ўлчаш, баҳолаш мумкин эмас. Агар шундай йўл билан қадр-қимматни ўлчашга рози бўлсак, демак биз «ахлоқсиз иқтисодиёт»да фаолият юритишга маҳкум бўламиз. Бундай шароитда фаровонликнинг қандай даражасида эдик, қайси даражада интилоқчимиз, каби саволларга жавоб топишнинг ўзи мутлақо мавҳум бўлиб қолади. Демак, одам савдосига қарши курашиш самарадорлиги ана шундай тушунчалар билан боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак.

Ва ниҳоят, ҳозирги кунда жаҳонда одам савдоси жиноий фаолият тури сифатида қандай иқтисодий ва ҳуқуқий омиллар туфайли мавжудлигига, сақланиб турганига, ҳатто ривожланиб бораётганига, унга барҳам бериш учун қандай «глобал» омиллар шаклланиши зарурлигига тўхталсак.

Миллий иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар тизимида, яъни алоҳида олинган мамлакатда амал қилаётган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва уларни тартибга солиб турувчи қонун ва ҳуқуқий нормалар доирасида одам савдосига йўл қўймаслик учун ўзаро манфаатли сиёсий ҳамда глобал иқтисодий омилларни ҳисобга олиш зарур. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бундай жиноий фаолият транс-миллий маконда мавжуд ва турли қабих кўринишларни намоён этиб бормоқда. Ўз-ўзидан равшан бўладики, алоҳида олинган мамлакат ҳудудида одам савдоси билан боғлиқ жиноий фаолият юртиш учун чет мамлакатлар ҳудуди ва уларнинг иқтисодий-ҳуқуқий тизими глобал омил бўлиб хизмат қилади. Хўш, унда, бошқа давлатлар «иқтисодий ахлоқлари»га қандай таъсир этиш мумкин ва бунга ким ҳақли?

Бундан келиб чиқадики, халқаро ҳамжамият ягона ўзаро миллий манфаатли чора-тадбирлар доирасида ҳаракат қилиши зарур. Демак, миллий давлатчилик миқёсида қонун ижодкорлари ва бу қонунларнинг амалда қўлланилишини таъминловчи мутасадди ташкилотлар ана шундай масъулиятли «иқтисодий ахлоқ»ни жаҳон ҳамжамияти миқёсида такомиллаштиришни ўз бурчлари деб қарашлари лозим бўлади.

**Улуғбек ТУРДИБЕКОВ,**  
иқтисод фанлари номзоди.

## Репортаж



**В**атанини севадиган инсон борки, унинг тинчлик-осойишталигини таъминласам, сарҳадлари дахлсизлигини сақласам, фаровонлигига ўз ҳиссамни қўшсам дейди. Ватанпарвар инсоннинг юртига қалқон бўлгиси, уни бало-қазолардан асрагиси келади. Юртни севиш, ардоқлаш туйғуси шунчалик муқаддаски, у она сути, она алласи орқали қалбларга жо бўлади. Ватан шу қадар улғуки, у онага менгзалади. Зеро, халқимизнинг ардоқли шоири Муҳаммад Юсуф:

*Мен дунёни нима қилдим,  
Ўзинг ёруғ жаҳоним,  
Ўзим ҳоқон,  
Ўзим султон,  
Сен тахти Сулаймоним,  
Ёлғизим,  
Ясонам дейми,  
Топинган қошоам дейми,  
Ўзинг менинг улуғлардан  
Улуғимсан, Ватаним...*

дея она-Ватанни жуда гўзал ташбехлар билан таърифлаган.

Ватан – саждагоҳ каби муқаддасдир. Ватан ўзининг ориятли, фидойи ўғил-қизлари, уларнинг садоқат кўрсатишлари туфайли гуллаб-яшнади. Фидойилик, садоқат эса албатта, ўзининг муносиб баҳосини олади.

Таъкидлаш лозимки, юртимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ бошқа жабҳаларда бўлгани каби Куролли Кучлар тизимида ҳам кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Мамлакатимизда Ўзбекистон Куролли Кучларини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган Дастурга мувофиқ амалга оширилган, кўлами ва моҳиятига кўра улкан ислохотлар замон талабларига жавоб берадиган миллий армияни шакллантириш ва бошқаришнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тизими яратилишига асос бўлди. Чунончи, Юртбошимиз таъкидлаганидек: «... Армиямиз ҳозирги кунда нафақат Ватанимиз чегараларини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилмоқда, айна вақтда мустаҳкам ирода ва характер, мустақил фикрлаш қобилияти шаклландиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ҳақиқий профессионал малака ошириш мактабига айланмоқда, деб айтишга барча асосларимиз бор».

Айтиш жоизки, йилдан йилга ҳарбий хизматчиларнинг, Ватан паробонларининг нуфузи, обрўси халқ орасида ортиб бормоқда. Эгнига ҳарбий кийим кийиб, Ватанга сидқидилдан хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг орзусига айланди.

Республикаимизда ҳар йили 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни катта тантана қилиб келинади. Жорий йилда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганининг йигирма уч йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган «Ватан – улғу, бурчим муқаддас!» шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Чунончи, республика Ички ишлар вазирлигида

Кучларининг мудофаа салоҳиятига боғлиқ.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб миллий армиямизни ташкил этиш, мамлакатимиз мудофаа тизимини такомиллаштириш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлиб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямиз барпо этилганини алоҳида таъкидлаш керак. Бундай муваффақиятлар замирида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислоҳ Каримовнинг жуда катта жасорати, шижоати, тинимсиз меҳнатлари борлигини яхши биламиз.

Кейинги йилларда ҳукумати-миз томонидан қабул қилинаётган муҳим қарорларда армия сафларида хизмат қилаётган, юрт ҳимоясини ўзининг муқаддас бурчи деб билган ҳарбийларимизни янада кенгроқ ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга тур-

Яқинда Куролли Кучлар тизимида ўтказилган «Энг илғор касб мутахассиси» танловида Қоровул қўшинларида хизмат қилаётган ҳарбийларимиз «Энг илғор батальон командири», «Энг илғор взвод командири», «Энг илғор гуруҳ командири» ва «Энг илғор сержант» каби номинацияларда голиб бўлгани барчамизни қувонтиради.

Ўқув юртаримизда таълим тизими тубдан ўзгармоқда, уларда бўлғуси офицерларни тайёрлаш ва тарбиялаш ҳозирги замон талабларига тўла мос келадиган, принципаал жиҳатдан мутлақо янги бўлган ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилган.

Ўқишни тамомлаган юзлаб офицер кадрлар республика ички ишлар идоралари ва ҳарбий бўлинмаларида, ҳуқуқ-тартибот органларида юртимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, фуқароларимиз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш йўлида туну кун виждонан хизмат қилмоқдалар.

ларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ тақдирланган ички ишлар идоралари ходимлари номи-ни ўқиб эшиттирди.

Вазир қизгин олкишлар остида Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган ходимларга орден ва медалларни тантанали суръатда топширди. Шу билан бирга, намунали хизмат қилиб ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, жиноятчиликка қарши кураш ва осойишталикни таъминлашга қўшаётган ҳиссаси учун бир гуруҳ ходимлар республика Ички ишлар вазирининг буйруғига биноан навбатдаги «полковник» махсус ва ҳарбий унвони, «А'ю хизматлари учун» кўкрак нишони, Фахрий ёрлик ва эсдалик қўлати билан тақдирландилар.

Генерал-лейтенант А. Ахмедбаев мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлашда, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳамда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида туну кун хизмат қилаётган барча ички ишлар идоралари ходимларининг, шунингдек, ёшларни Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат, фидойилик руҳида тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшаётган тизим фахрийларининг келгуси фаолиятларига муваффақият тилади.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан «Дўстлик» ордени соҳиби – Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани ИИБ профилактика катта инспектори, майор Камалбай Ер-ниязов, «Жасорат» медали билан мукофотланган Тошкент вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ катта тезкор вакили, майор Зокир Самадов, «Жасорат» медали соҳиби Наманган вилояти ИИБ АВБСО гуруҳ командири, сержант Умиджон Турғунов, «Шуҳрат» медали соҳиби ИИБ Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи, катта сержант Эргаш Салимов Юртбошимиз ҳамда вазирлик раҳбарияти томонидан билдирилган юксак эътироф учун ўз миннатдорликларини изҳор этиб, мамлакатимиз тинчлиги, осойишталигини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлида бундан буён ҳам сидқидилдан хизмат қилишга ваъда бердилар.

Тантанали йиғилиш концерт дастурига улашиб кетди. ИИБ Маданият саройи Ашула ва рақс ансамбли хонандалари томонидан ижро этилган Ватанга садоқат, меҳр-муҳаббат ва ички ишлар идоралари ходимларининг шарафли хизматини улуғловчи дилрабо куй-кўшиқлар қалбларга завқ-шавқ улашди.

Мард ва ўз бурчига садоқатли Ватан ўғлонлари бор экан, мамлакатимиз тинчлиги, осойишталиги ишончли қўлларда эканлигига асло шубҳа бўлмайди. Улар туфайли осмонимиз мусаффо, юртимиз гўзал ва фаровон.

**Қобилжон ШОКИРОВ,**  
майор.

Суратларда: байрам тантанасидан лавҳалар.

**Абу КЕНЖАЕВ** ва  
**Шавкат ҚАҲҲОРОВ**  
олган суратлар.

## МАРД ЎҒЛОНЛАР ШАРАФЛАНДИ



ҳам Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Шу куни республика ИИБ Маданият саройида байрамона либосда жам бўлган вазирлик Марказий аппарати шахсий таркиби мамлакатимиз Куролли Кучлари ташкил этилганининг йигирма уч йиллиги билан бир-бирларини муборакбод этишар, юз-кўзларида қувонч порларди.

...Соат 11.00. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А. Ахмедбаев бошчилигидаги вазирлик раҳбарияти залга кириб келдилар. Вазир тантанали йиғилишни очиб деб эълон қилгач, залга Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи олиб кирилди. Давлатимиз мадҳияси янгради.

Генерал-лейтенант А. Ахмедбаев ички ишлар идоралари шахсий таркиби ва фахрийларини байрам билан муборакбод этар экан, жумладан, шундай деди:

– Истиқлол йилларида мамлакатимизда миллий армиямизни шакллантириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилди. Албатта, ҳар бир давлатнинг мустақиллиги, хавфсизлиги, чегаралари дахлсизлигини таъминлаш аввало, унинг армияси, Куролли

ли имтиёзлар, қулайликлар яратиш ўз ифодасини топмоқда.

Юртбошимиз ҳарбий хизматчиларнинг нафақат соғлом ва жисмонан бақувват, балки замонавий ҳарбий техникани бошқариш сирларини пухта эгаллаган, шу билан бирга, юксак ақл-заковатли, иродали, Ватани ва халқига садоқатли, маданиятли ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлишлари лозимлигини доимо уқтириб келадилар. Шу боис вазирлик тизимидаги ҳарбий қисмларда ва таълим муассасаларида хизмат қилаётган ҳар бир ходим ва аскарларнинг билимини оширишга, уларни маърифатли ва маънавий етук қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, фахрийларимиз томонидан ёшларни она-Ватанга муҳаббат, хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида ўтказилаётган икки авлод учрашувлари ўз самарасини бермоқда.

Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисмлари ва ички ишлар идоралари сафларида Ватан манфаатларига чин дилдан садоқатли, муқаддас заминимиздаги тинч ва осуда ҳаётни кўз қорачигидек асраб келаётган энг муносиб йигит-қизларимиз хизмат қилишмоқда.



# ЭЛУ ЮРТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНЛАРИ

**«Туркистон» саройида 13 январда Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга аскар ва сержантлар, курсантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари ва жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.**



Тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Бердиев ўқиб эшиттирди.

Мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётни таъминлаш мустақилликнинг дастлабки кунларидан давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. 1991 йил 31 августда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжат республикамизга ўз ҳарбий сиёсатини амалга ошириш ҳуқуқини берди. Мазкур қонун, «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги баёнот мамлакатимиз Қуролли Кучларини тузиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Давлатимиз раҳбарининг Фармони билан 1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. Бу миллий армиямизни шакллантириш, ҳарбий таълим соҳасини ривожлантириш,

муддатли ҳарбий хизматга чақирувни ташкил қилиш, қўшинларни жойлаштириш, ҳарбий техника ва қурол-яроғларни сақлаш ва такомиллаштириш каби муҳим вазифаларни бажариш имконини яратди.

қимизнинг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилиши белгилаб қўйилган. Ватанимизни ҳимоя қилиш – ҳар бир фуқаронинг бурчи экани таъкидланган. «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунларда Қуролли Кучларимизнинг ҳуқуқий асослари ўз ифодасини топган.

Кейинги йилларда Қуролли Кучларда амалга оширилган улкан ислохотлар натижасида миллий армиямизнинг ташкилий-штат тузилмалари бутунлай қайта кўриб чиқилди, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучларни тезкор-стратегик бошқаришнинг замонавий ва самарали тизими яратилди. Қўшин турларининг ўзаро ҳаракатлани-

фиқ амалдаги имтиёзлар янада кенгайтирилди. Бу ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизмат чоғида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, миллий армиямиз сафларини жисмонан ва маънан етук ёшлар билан тўлдиришга хизмат қилаётир.

Мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уй-жой билан таъминлаш ва маиший шароитини яхшилаш борасида ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда. 2014 йилда ҳам кўплаб ҳарбий хизматчилар ўз уйларига эга бўлди.

Бу йил Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда «Ватан – улуг, бурчим муқаддас!» шиори остида нишонланмоқда. Давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоат-



Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 1992 йил 14 январдан мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига ўтказилди. Уша кундан эътиборан миллий армиямизга асос солинди.

Бош Қомусимизда мамлакатимиз Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, хал-

шини такомиллаштириш, уларни замонавий техника ва қурол-яроғ билан таъминлаш, жанговар ва ўқув тайёргарликнинг маъно-мазмунини ўзгартириш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тубдан яшиланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, армиямиз ҳозирги кунда нафақат Ватанимиз чегараларини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилмоқда, айни вақтда мустаҳкам ирода ва характер, мустақил фикрлаш қобилияти шаклланидиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ҳақиқий профессионал малака ошириш мактабига айланди.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2012 йил 31 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига муво-

чилик кенгаши томонидан ушбу мавзуда ҳарбий қисм ва бўлинмаларда, барча вилоятларда, олис қишлоқ ва маҳаллаларда кўплаб учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда халқимизнинг юртимиздаги тинчлик-осойишталикни қадрлаши, бу азиз неъматни асраб-авайлашга барча ўзини бирдек дахлдор сезиши – Ўзбекистон ягона Ватан, бир тану бир экани намоён бўлмоқда.

Президентимизнинг 2015 йил 12 январда қабул қилинган Фармонида мувофиқ Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазирлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

– Ҳар бир йигит, аввало, эл-юртимга садоқат билан хизмат қилсам, деб ният қилади, – дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари, «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби, подполковник Лочинбек Мамажанов. – Мен ҳам юртимизнинг ана шу бахтиёр фарзандлари қаторида эканимдан фахрланаман. Биз, ҳарбийлар давлатимизнинг доимий эътибор ва ғамхўрлигини ҳис этиб яшаймиз. Хизматда ҳам, оилада ҳам, жамиятда ҳам ўз ўрнимизга эгамиз. Бу бизга катта куч ва беқиёс маънавий-руҳий мадд беради.

«Энг илғор олий ҳарбий таълим муассасаси», «Энг илғор Сержантлар тайёрлаш мактаби», «Энг илғор мудофаа ишлари бошқармаси» танлови ғолиблари эълон қилиниб, диплом ва эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Йиғилишда сўзга чиққан «Мардлик» ордени соҳиби, капитан Жаҳонгир Ваҳобов, «Жасорат» медали соҳиби, кичик сержант Жаҳонгир Хусанов, аскар онаси Зулхумор Раҳмонқулова, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов ва бошқалар барча Ватан ҳимоячиларини байрам билан табриклаб, Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислон Каримовга ҳарбий хизматчиларга кўрсатётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик изҳор этди.

Тантанали маросимда таниқли санъаткорлар ва ёш истеъодлар ижросида катта байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
ЎЗА муҳбири.  
**Абу КЕНЖАЕВ**  
олган суратлар.



## ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ВА ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

# ЭЛГА ҚАЙИШГАННИ ЭЛ ҚЎЛЛАЙДИ

Хизмат хонасини саранжом-сарийшта қилиб бўлган профилактика катта инспектори, майор Исмоилжон Раупов маҳалла оқсоқоли Саиджалоил Бадалов бошчилигидаги фаолларни кутиб олди. Улар бирин-кетин хонага кириб келиб ўриндиқларга жойлашгач, оқсоқол:

– Исмоилжон, эрталабдан йиғилишимизнинг муҳим сабаби борга ўхшайди, – дея унга савол назари билан қаради.

– Биласиз, бугун якшанба бўлгани учун фуқароларимизнинг кўпчилиги уйда, – деди бунга жавобан инспектор. – Хонадонларни айланиб, ота-оналар ва ёшлар билан суҳбатлашсак, якка-ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олсак, дегандим. Шунинг учун сизларни чақиргандим.

– Жуда яхши ўйлабсиз, биз ҳам уларга байрам совғаларини беришни шу кунга мўлжаллаб, тушлиқдан сўнг сиз билан бирга чиқишни режалаштириб қўйгандик, – дейишди профилактика катта инспекторининг таклифини қўллаб маҳалла фаоллари.

Шу кун улар маҳалладаги аксарият хонадонларда бўлиб, фуқароларнинг, ёш оилаларнинг турмуш тарзи билан яқиндан танишдилар. Оила ва ёшлар тарбиясига оид долзарб масалалар бўйича фикр алмашиб, зарур маслаҳатлар бе-

ришди. Айниқса, боқувчисини йўқотган икки нафар қария хонадонига ташриф уларнинг кўнглини тоғдай кўтарди.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, мазкур хонадонларга кирган киши бу ерда якка-ёлғиз кексалар истиқомат қилаётганига ишонмайди. Чунки маҳалла-қўй, қўни-қўшниларнинг ҳамжиҳатлиги, эътибори, меҳр-оқибати туфайли ҳар икки хонадон ҳам чароғон, ҳовлилар ҳар куну супуриб-сидирилиб, уларнинг турмуш тарзидан мунтазам хабар олиб турилади. Бу, албатта, халқимизга хос умрбоқий қадриятлардан биридир.

Самарқанд шахрининг қоқ марказида жойлашган Янги Хайробоид маҳалласида профилактика катта инспектори ва маҳалла оқсоқоли бошчилигида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилиб, ибратли ишлар амалга ошириляётгани нафақат шаҳар, балки вилоят миқёсида ҳам алоҳида эътироф этилади. Шу боис мазкур ҳудудда тўпланган ижобий тажриба бир неча йиллардан буён бошқа жойларда ҳам қўлланиляпти.

Албатта, бундай муваффақиятга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Профилактика катта инспектори ва маҳалла оқсоқолининг ҳудуд тинчлиги ҳамда

осойишталигини таъминлаш, маҳалла аҳлининг аҳил-иноқлиги ва ҳамжиҳатлигига эришиш йўлида ҳамкорликда олиб бораётган саъй-ҳаракатлари бунга асосий омил бўлмоқда. Айниқса, ёшлар иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказиб бори-



лаётгани ўз самарасини бераётир. Уларда ҳуқуқбузарликларнинг аянчли оқибатлари жонли мисоллар орқали тушунтириляпти.

Ҳақиқатан ҳам, ҳудудда ёшларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласи доимий эътиборда. Бунда маҳаллада фаолият олиб бо-

раётган ишчи гуруҳи томонидан ҳар якшанба куну ўтказиладиган тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Йиллик режага кўра, ишчи гуруҳи бир якшанбада маҳалланинг ёшу кексаларини шаҳардаги тарихий жойларни томоша қилдириб, аждодлар қолдирган бой меросдан баҳраманд эттирса, кейинги гал эса маҳалла биносида тикиш-бичиш ёки ёшлар ўртасида турли фанлар юзасидан ўзаро мусобақалар ота-оналар иштирокида ташкил этилади.

Бундан ташқари, ёшларни касбга йўналтириш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича ҳам истиқболли режаларга асосланган ҳамкорликка амал қилинади. Масалан, ёшлар маҳалла оқсоқоли ва профилактика инспектори бошчилигида ҳудуддаги мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарига ойда бир мартаба бориб, иш жараёни билан танишадилар, ишчи-лар билан суҳбатлашиб, иш ўрганадилар. Ўрганганларини эса имкони борича ўз уйларида амалда қўллашади. Ўн кун оралигида улар тайёрлаган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилади ва энг сифатли маҳсулот тайёрлаган уч нафар ёшлар ҳомийлар томонидан рағбатлантирилади.

Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси туфайли сўнги олти йил ичида ёш мутахассисларнинг бирортаси ҳам чет элга иш излаб чиқмади. Уларнинг барчаси маҳалла ва шаҳардаги корхоналарда меҳнат қилиб, мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиб келишяпти. Эътиборли жиҳати, сўнги йилларда ҳудудда бирорта ҳам ҳуқуқбузарлик ва бошқа жиноятлар содир этилмади. Аксинча, йилдан йилга ибратли хонадонлар, оилалар сони кўпайиб борапти. Чунки маҳалла одамлари ҳуқуқбузарлик ёки ноқонуний фаолият нималарга олиб келишини жуда яхши англашади. Бу ҳар ўн беш кунда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан маҳалла фуқаролари ўртасида ўтказиляётган учрашувлар, давра суҳбатларининг самараси, албатта.

Ифтихор ва ибратга муносиб маҳаллалар, эл-юрт тинчлиги, фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган профилактика инспекторлари кўплиги қувонарлидир.

**Х. АБДУСАМИЕВ.**  
Самарқанд вилояти.

Суратда: профилактика катта инспектори, майор И. Раупов.

Муаллиф олган сурат.

## МУНОСИБ ЮТУҚЛАР БИЛАН

**Наманган вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармасининг «Ангрен-Поп-Ангрен» йўналишида нефть маҳсулотларини ташувчи автотранспорт воситаларини кузатиш ва қўриқлаш бўйича 2-алоҳида милиция батальони томонидан Поп тумани нефть маҳсулотларини сақлаш омборидан Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги нефть маҳсулотларини сақлаш омборигача бўлган масофада автоколонналар хавфсизлигини таъминлаш, нефть хом ашёси ва маҳсулотларини автомашина цистерналарига юкланиши, ҳужжатларни расмийлаштириш ва уларни белгиланган манзилга бекаму кўст етказиб бериш ишлари ташкиллаштирилади.**

Нефть маҳсулотлари ва бошқа турдаги давлат мулкнинг талон-тарож қилинишига йўл қўймаслик ҳамда ўғрилиқларнинг олдини олиш мақсадида батальон шахсий таркиби белгиланган жадвал асосида фаолият кўрсатиб келади. Уларга етарли шарт-шароитлар яратилгани, замонавий радиоалоқа ва техника воситалари ҳамда хизмат автомашиналари билан тўла таъминлангани натижасида ўтган йил муносиб ютуқлар билан яқунланди.

Табийки, масъулиятли вазифани тўлақонли амалга ошириш ва юрлар дахлсизлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиляётган ҳудудларда жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун шахсий таркибнинг жисмоний, жанговар тайёргарлиги ҳамда касбий маҳоратини

муттасил ошириб бориш талаб этилади. Шунинг учун ҳар бир отряддаги мураббийлар ёш ходимларга мавжуд шароитларни ўргатишади, касб сирларини чуқур ўзлаштириш, тезкор хизмат фаолиятида гуруҳлар сафида мустақил фаолият кўрсатиш, топширилган вазифаларни талаб даражасида бажаришларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатишади.

Шахсий таркибнинг жанговар ва хизмат тайёргарлигини ошириш, ходимларнинг жисмонан бақувват бўлишини таъминлаш мақсадида турли спорт мусобақалари ўтказиш аънаанага айланган. Шахсий таркиб қишда ҳам спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароит ва спорт анжомлари муҳайё қилинган. Маъмурий бинонинг иккинчи қаватидан жой ажратилиб, таъмирдан чиқарилди ва

спорт анжомлари билан жиҳозланди. Хонага керакли деворий ҳужжатлар, плакатлар осилиб, ҳозирги кун талабига жавоб берадиган замонавий спорт зали шахсий таркиб ихтиёрига топширилди.

Яратилган шароитлардан унумли фойдаланяётган шахсий таркиб зиммаларидаги вазифани тўлақонли адо этиш билан бирга, вилоят ва республика миқёсида ўтказиляётган спорт мусобақаларида ҳам фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишаётир. Масалан, ўтган йили вилоят ички ишлар идоралари терма жамоалари ўртасида футбол бўйича ўтказилган вилоят «Динамо» ЖТСЖ биринчилигида 2-алоҳида милиция батальони умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, биринчи даражали диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Поп тумани ҳокими соврини учун ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида ўтказилган мини-футбол мусобақасида ҳам терма жамоамиз биринчи ўринни қўлга киритиб, бош совринга сазовор бўлди.

**Авазбек АСҚАРОВ,**  
майор.

Наманган вилояти.

## ИИБ Матбуот хизмати хабарлари


### БЕЗОРИДАН БАРЧА БЕЗОР



Пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманида номаълум киши фуқаро А. Абрамни уриб, унга тан жароҳати етказди. Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан зарур чора-тадбирлар кўрилди ва кўп ўтмай номаълум шахс қўлга олинди. Зўравон зангиоталик К. Алимардон экан. Ҳозирда унинг хатти-ҳаракатлари юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

### «ИССИҚ ИЗИДА» ФОШ ЭТИЛДИ


Бухоро вилояти Когон туманида яшовчи Т. Раззоқ Қоровулбозор тумани ҳудудидаги наслчилик ширкат хўжалиги молхонасидан номаълум кишилар 13 бош қўйини ўғрилаб кетгани ҳақида ИИБга хабар беради. Зудликда кўрилган чора-тадбирлар натижасида жиноят «иссиқ изида» фош этилди. Қашқадарё вилояти Муборак туманида



яшовчи ака-ука К. Азим ва К. Камол мазкур жиноятни содир этганликда гумон қилиниб қўлга олинди.

### БИЛСА ҲАЗИЛ, БИЛМАСА ЧИН

Олмалик шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро У. Муҳсиннинг ҳовлисида турган «Матиз» автомашинаси ғойиб бўлди. Дарвоза ланг очиклигини кўриб, уни кимдир ҳайдаб қочганини фаҳмлаган жабрланувчи тезда ИИБга мурожаат қилди. Кўп ўтмай ўғрилган автомашина кўшни маҳалла ҳудудида ағдарилган ҳолда топилди. Суриштирувлар натижасида уни фуқаро Ю. Хурсанд олиб қочгани аниқланиб, машина «ишқибози»га нисбатан жиноят иши очилди.



### ҲАЙФ, ЙИГИТ ДЕГАН НОМ!

Самарқанд шаҳар «Ёшлар маркази» биноси олдида кетаётган жомбойлик Н. Назира ва уругли А. Гулноранинг йўлини кутилмаганда нотаниш йигит тўсиб чиқади. Номаълум кимса қизларни қўрқитиб, уяли телефонларини тортиб олади ва воқеа жойидан яширинади. Ҳолат юзасидан хабар топган ички ишлар идоралари ходимлари зўравонни ушлаш чораларини кўришди. Соҳа ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан талончи қўлга олинди. Номард йигит Т. Эркабой эканлиги аён бўлди.

**Шерали АНВАРОВ,**  
майор.

## Маърифат ва сиёсий ўқиш

*Хар қайси миллат ўзининг қадриятларини муттасил вужудга келтириб, уни ривожлантириб туриши билан яшовчанлик хусусиятига эга. Қадриятлардан фойдаланиш ва уни тарғиб этишининг яна бир муҳим жиҳати — таълим-тарбиянинг узвий бирликда олиб борилишидир. Бу жараёнда қадриятларни тарғиб этишда илғор технологиялардан фойдаланиш, фан ва техника ютуқларини қўллаш, одоб-ахлоққа оид машғулотлар тизимини яратиш, таълим муассасаларида «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Маънавият асослари», «Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар» сингари фанларни тақомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ.*

Зеро, миллий қадриятларнинг мустақил фикрлашни шакллантиришдаги ўрни ҳам бениҳоя каттадир. У тафаккурнинг асосий негизини ташкил этади. Хар қандай замонавий таълим усуллари қадриятлардан узилиб қолмаслиги ва миллий қадриятлар заминига қурилган бўлиши зарур.

Ҳозирги даврда таълим-тарбияда, кундалик матбуотда миллий қадриятларнинг аҳамияти ҳақида жуда кўп мақолалар, тавсиялар ва методик қўлланмалар чоп этилмоқда, лекин уларнинг барчаси тарғиботдан иборат бўлиб, ҳаётини, аниқ тавсиялар назардан четда қолмоқда. Бу борада қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш учун педагогик қадриятларни ажратиб олиш, уларни бир тизимга келтириш, энг қулай шакл ва методларни аниқлашни таълим истеъмолига киритиш керак.

Миллий ва маънавий-ахлоқий қадриятлар инсонларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида ақл-заковат билан яратилган, уларнинг тасаввури, тафаккури, келгуси орзу-истаклари, эътиқоди, ахлоқ қоидаларини ўзида мужассам этган, амалий ҳаётда сайқал топган маънавий бойлик бўлиб, тарбиянинг таянч воситаси ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда маънавий-ахлоқий қадриятлар тарихий босқичларга эга, тажриба ва ҳаёт синовларидан ўтган, ажодлардан авлодларга ўтиб, ижтимоий тараққиётга хизмат қилиб келаятган муқаддас тушунчадир. Шунингдек, жамият ривожининг негизини, халқнинг тарихий тараққиётда эришган барча ютуқларини ифодаловчи ва сақловчи қудратли омилдир. Демак, таълим-тарбия жараёнида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш ёш авлоднинг маънавияти, маданиятини шакллантиришнинг муҳим асоси бўлиб хизмат қилади.

Миллий қадриятлар ўтмишдан келажакка қараб ривожланиш жараёнида доимий равишда тақомиллашиб, янги-янги қирраларни вужудга келтиради. Айнан ана шу жараёнлар адолатли ва демократик жамиятни шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, миллий қадриятларсиз демократик тамойилларни ҳаётга жорий этиш, уни ҳар бир ёшунинг турмуш тарзига айлантириш мумкин эмас.

*Биринчидан*, демократия нафақат шахс фаолияти, балки миллатнинг руҳияти, қадриятлари, орзу-умидлари ва интилишлари билан боғлиқ тушунчадир.

*Иккинчидан*, демократик янгиланишлар жараёнида мавжуд қадриятлар тизимининг ўзи ҳам ривожланиб, ўзгариб боради.

*Учинчидан*, демократик жараёнларда халқ миллий қадриятларнинг ҳақиқий эгасига айланади.

Бу жараёнлар — миллий қадриятларнинг ҳаракатда давом этиб, ўтмишдан келажакка томон ривожланиб бориши ҳамда ав-

лоддан-авлодга етказилишида халқнинг ўзи асосий объект бўлиб ҳисобланади. Миллий қадриятларнинг ўз ўрнида тақомиллашиб бориши шу миллат ёки шу халқнинг келажакни таъминлайди.

Маълумки, ёшлар Ватанимиз, мамлакатимизнинг келажакдир. Шундай экан, улар зиммасига юклатилаётган энг мураккаб ва масъулиятли вазифани бутун моҳияти билан чуқур англаши, ҳис қилиши, унга ўзларини

Боболаримиз қолдирган мерос, маданий бойликлар, миллий ва умуминсоний қадриятларни хурмат қилиш, уларни ўрганиш кабилар мазкур тамойилнинг асосий жиҳатларидир. Миллий гоё халқнинг орзу-умидларини умуммиллий даражада юксалтириб, одамларни умумбашарий интилишлар томон етаклайди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Миллий гоё деганда, ажодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиши ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйламанки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўлаемиз».

# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА МИЛЛИЙ ГОЁ

ҳозирданок тайёрлаб боришлари лозим. Миллий қадриятларимизни таълим-тарбия жараёнида тарғиб этиш борасида улкан ишлар амалга оширилган бўлса-да, ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина. Айниқса, миллий, маънавий ва ахлоқий қадриятларни ёшларнинг онги ва қалбига сингдириш, аҳоли ўртасида қадриятларга эътиборни кучайтириш, пировард натижада, ҳар бир фуқаро қалбида миллий ва умуминсоний қадриятларга йўғрилган фазилатларни қарор топтириш, айна пайтда бу масалага жиддий ёндашув ва тадқиқотларни талаб этади.

Шу билан биргаликда, миллий қадриятлар асосида авлодларнинг маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантириш, хусусан, интизомлилик, иродалилик, ўз олдига қўйган мақсадга интилиш, фарзандларни яхши одатларга ўргатиш, одоб-ахлоқ қоидалари билан таништириб бориш, яхшини ёмондан, оқни қорадан ажратиб олиш, ҳаётни севишга ўргатиш, умуман, комил инсонни тарбиялаш ҳозирги куннинг асосий талабларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги — миллий гоёмизнинг асосий тамойилларидан биридир. Авлодларимизни ижтимоий ҳаётдаги янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнига кенг жалб этиш, замон тараққиётидан ортда қолмаслигига эришиш ҳақон тажрибасини, умуминсоний демократик қадриятлар моҳиятини чуқур ўрганишни тақозо этади. Бу эса одамларнинг нури келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг сиёсий, интеллектуал маданиятини ўстириш, тараққиёт йўлини тўғри англашда гоёвий йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Миллий гоё эркин фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида халқ онги ва тасаввурини ўзгартириш, янги маъно-мазмун билан бойитиш, ҳуқуқий давлатчиликка хос тамойилларни турмуш тарзига айлантиришда умуминсоний қадриятларга таянади.

мақсад, тараққиёт сари етаклайди, миллат қўлидаги байроққа айланади.

Ана шу сабабларга кўра, шахс миллий гоёни амалга оширишда таянч омил деб қаралади, унинг имкониятларини юксак баҳолаган ҳолда, асосий эътибор муайян шахснинг гоёвий-мафқуравий тайёргарлик даражасига қаратилади. Бунда муайян шахсга ўзбек миллий характерининг афзалликларини ташвиқ қилиш, халқимиз маданиятининг бебаҳо ва бетакрор эканини англаштириш, ўзбекларга хос жамоавийлик жамиятимизнинг муҳим хусусияти экани, ижтимоий бирдамлик тараққиётимизнинг манбаи бўлиб хизмат қилишига алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, бу жараёнда тараққиётга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўша оладиган етук шахсни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки шахс тафаккури ва маданиятини ўстирмасдан, унинг

маънавий дунёсини бойитмасдан туриб, ижтимоий, иқтисодий, маданий жабҳалардаги вазифаларни бажариш, миллий гоёга садоқат руҳида тарбиялаш мумкин эмас.

Шахс ва жамият ҳаёти ҳамда ривожланиши моддий ишлаб чиқаришга қай даражада боғлиқ бўлса, маънавий-ахлоқий қадриятларга ҳам шу даражада боғлиқдир. Жамиятнинг моддий ҳаёти қанчалик юксак тараққий этган бўлса, у маънавий маданиятнинг бой ва сермазмун бўлишига шу даражада ижобий таъсир кўрсатади. Маънавий ҳаёт ва қадриятлар қанчалик юксак тараққий этган бўлса, жамиятнинг моддий тараққиёти учун шунчалик кенг имкониятлар очилади.

Миллий гоёнинг инсон маънавияти ва маданияти билан боғлиқ тамойиллари, жумладан, оила билан боғлиқ жараёнларда намоён бўлади. Оила — жамиятнинг муҳим бўғини ва асосий тарбия масканидир. Миллий гоёмизни авлодлар қалби ва онига сингдириш ҳам, аввало оиладан бошланади. Айнан ота-боболаримизнинг ўғитлари, яъни отанинг шахсий ибрати, онанинг меҳр-муҳаббати орқали миллий гоё авлоддан авлодга, инсондан инсонга ўтади, уларнинг онгу шуурида муҳрланиб боради. Фаровон, ахлоқий ва гоёвий-тарбиявий жиҳатдан соғлом бўлган оила негизидеги жамият ва давлат мустаҳкам бўлади. Бундай оилаларда комил инсонлар вояга етади, унинг туйғулари, тушунча ва дунёқарашидеги миллий гоё тамойиллари чуқур илдиз отади.

Ҳар қайси жамият тараққиётининг барқарорлиги, унинг тақдири шу жамият истиқболини ёритиб турган гоёларнинг нақадар тўғрилиги, илмий асосланганлиги, ҳаётнинг ўзи кўндаланг қўяётган саволларга ўз вақтида жавоб бера олиши, энг муҳими, бу гоёлар жамият аъзоларининг орзу-умидлари билан қанчалик муштарак эканлиги билан узвий боғлиқдир.

Айни пайтда, миллий гоёмиз ўзида бирор ижтимоий қатлам

ёки жамиятнинг бирор табақаси манфаатларини эмас, балки умумхалқ, яъни юртимизда яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатларини, қолаверса, тобора шаклланиб ва тақомиллашиб бораётган эркин фуқаролик жамиятининг манфаатларини муҳасам этади.

Ўзбек халқининг адолат, озодлик ва эркинликка бўлган асрий орзу-интилишлари бугунги кунда том маънода рўёбга чиқди. Миллий ўзликини англаш, инсоний гуруҳ ва миллий қадриятларга таяниш сингари эзгу туйғулар Конституция ва қонунларимизда ўз аксини толган.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб берилган ҳудудий яхлитлик, иқтисодий бирлик, давлат мустақиллиги, этник ўзликини сақлаб қолишни таъминлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилганлик миллий гоёмизнинг негизини ташкил этувчи асосий тамойиллар ҳисобланади. Чунки ҳар қандай халқ муайян заминда камол топади. Шундай экан, миллий гоёда халқимизнинг ўз она-Ватанига бўлган меҳр-муҳаббати, унинг бир бутунлиги ва яхлитлигини асрашга бўлган ҳуқуқлари акс этиши, табиий ҳол.

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муносабатларни чуқур ислоҳ қилаётган эканмиз, миллий гоёмиз замирида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада ошириш, уни ҳар томонлама юксалтириб, бозор муносабатларини ривожлантириш, миллий маънавият орқали, миллатлараро тотувлик ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби масалалар ётиши, шубҳасиз. Давлатчилигимизнинг демократик асослари яратилаётган ҳозирги даврда миллий гоёмиз халқимизнинг яратувчилик кучига ишонч, миллий қадриятларимизга хурмат-эътибор, қонун устуворлиги, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ҳар томонлама тақомиллаштиришга бўлган интилишларни ўзида мужассамлаштирмоқда.

Хулоса қилиб, шуни айтиш жоизки, ёшлар онгига миллий гоёмизни миллий ва маънавий-ахлоқий қадриятлар орқали сингдиришда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш зарур:

- миллий ва умуминсоний қадриятларни оммага тарғиб қилишда тизимли ёндашув;

- миллий гоёни амалга оширишда шахс камолотининг таянч омил эканлиги;

- миллий ва маънавий-ахлоқий қадриятларни ёшлар онгига сингдиришда оиланинг роли;

- тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи, бузғунчи гоёларга қарши курашда миллий гоёмизнинг инсонпарвар, бунёдкор тамойилларидан, миллий қадриятларимиздан мақсадли фойдаланиш;

- халқимизни улкан тараққиёт сари бошлаш ва янада жипслаштиришда миллий гоёмизнинг бирлаштирувчи байроқ эканлиги;

- улкан марраларни забт этишимизда, пировард мақсадимиз бўлган келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш, эркин, фаровон ҳаёт барпо этиш борасидаги интилишларимизда миллий гоё биз учун улкан руҳий ҳамда маънавий куч-қувват манбаи бўлиб хизмат қилиши шулар жумласидандир.

**Баҳодир СҮЮНОВ,**  
филология фанлари  
номзоди.

## Детектив

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).

Полковник Мэлчетт юборганини эшитиб Марпл хоним инспектор Слэкни илиқ қабул қилди.

– Хуш келибсиз. Жаноб полковник мени ҳалиям эслаб турганидан гоят хурсандман.

– Эслаганда қандоқ. Унинг айтишича, Сент-Мэри-Мидда юз берадиган ҳар бир воқеа-ҳодисадан бохабар экансиз.

– Афсуски, қотиллик ҳақида деярли ҳеч нима билмайман.

– Бу ҳақда одамлар нима деётганидан хабарингиз бордир?..

– Албатта. Фақат бошқаларнинг гийбатини гапириб берсам қандай бўларкин...

Инспектор Слэк ўнғайсизланиб, ўзини оқлаган бўлди:

– Бу шунчаки норасмий суҳбат. Айтганларингиз иккимизнинг ўртамизда қолиб кетади...

– Хуллас, ҳатто булар миш-миш бўлса ҳам одамлар оғзида юрган гапларни билмоқчисиз, шундайми?

– Ҳар қандай миш-мишнинг замирида ҳам озгина бўлса-да ҳақиқат бўлади.

– Нима ҳам дердим. Гап-сўзлар, тахминлар кўп. Қишлоқ аҳли икки гуруҳга бўлиниб қолган. Айримлар Спэнлоу хонимни эри ўлдирган деб ҳисоблашади. Одатда бундай қотилликларда эр ёки хотиндан гумон қилиниши табиий. Нима дедингиз?

– Эҳтимол... – эҳтиёткорлик билан жавоб берди инспектор.

– Икки киши узоқ вақт бирга яшганидан кейин бир-бирининг жонига тегиб кетади. Бунинг устига пул масаласи. Эшитишимча, ҳамма пуллар Спэнлоу хонимга тегишли бўлиб, бунинг устига уларни эрига васият қилиб қолдирган экан. Ушбу ҳолат ҳар хил тахминларга асос бўлади.

– Гапингиз тўғри. Эри мўмайгина меросга эга бўлибди.

– Айнан шундай. У хотинини бўғиб ўлдириб, сўнг гўёки кўнғироқ қилганим учун менинг хонадонимга келиб, яна изига қайтиб кетган. Бу билан гўёки хотинимни мен уйда йўқлигимда ўлдиришган демоқчи бўлган. Ҳойнаҳой, қотилликни бирор босқинчи ёки дайидан кўришади деб ўйлаган бўлса ҳам ажаб эмас.

Инспектор бош лиқиллатди.

– Ҳа, пулни деб одам ўлдиришдан қайтмайдиганлар бор. Бунинг устига эр-хотин тез-тез жанжаллашиб туришган бўлса.

– Нималар деяпсиз?! Улар ҳеч қачон жанжаллашишмаган.

– Буни қайқандан биласиз?

– Ўрталаридан бирор гап ўтганида, бу ҳақда хизматкорлари Глэдис Брэнт бутун қишлоққа овоза қиларди.

– Балки, бундан бохабар бўлгандир... – инспектор эндигина эътироз билдира бошлаган эди-ю, ҳамсуҳбатининг кинояли қарашини кўриб жим қолди.

– Бошқача тахмин қиладиган одамлар ҳам бор, – гапида давом этди Марпл хоним. – Уларнинг айтишича, қотил Тед Жерард экан. У тез-тез Спэнлоу хонимнинг хонадонига келиб турар экан. Лекин хонимнинг ўзи руҳоний йигитнинг ўта ҳалол эканлигини бир неча бор таъкидлаган.

Марпл хоним чуқур нафас олиб, яна гапида давом этди:

– Менимча, уларнинг диний қарашлари яқин бўлган, холос. Аммо ўзингиз биласиз-ку, ҳозирги замонда одамлар оёғи қолиб, оғзи билан юрадиган бўлиб кетишган. Уларнинг айтишича, руҳоний йигит ўзига ром қилиб олгани учун хоним унга катта миқдорда пул қарз берган. Айтганча, руҳонийни ўша куни бекатда, аниқроғи соат 14.27 да келган поездда кўришган. У поезддан тушиб, ҳеч кимга сездирмасдан коттежга бора оларди. Яна Спэнлоунинг ғалати кийинганлигини таъкидлашяпти.

– Ғалати дейсизми?

– Ҳа, у ичкиимда бўлган.

– Бу сизга ҳам ғалати туюлаяптими?

– Йўқ, аксинча, менга табиий кўринаяпти.

– Сизнингча, уни эри рашк қилиб ўлдирганми?

– Кўйсангиз-чи. Жаноб Спэнлоуни рашкчи деб бўлмайди, – Марпл хоним инспекторга синчковлик билан текилиб сўради. – Наҳотки, воқеа жойидан жиноятга алоқадор бирор ашё топмаган бўлсангизлар?!

– Нима десам экан, Марпл хоним. Эндиги жиноятчилар устаси фаранг бўлиб кетишган – воқеа жойида бармоқ изи ёки сигарет кули қолдиришмайди.

– Менимча, унчалик эмасдир-ов.

– Бу билан нима демоқчисиз?

– Назаримда, констебль Полк сизга ёрдам бера олади. Ахир, у жиноят жойига биринчи бўлиб етиб борган-ку.

\*\*\*

Жаноб Спэнлоу афтода бир аҳволда ўтирар эди. У тўнғиллаганча шикоят қилиб қолди:

Бу сўзларни эшитиб жаноб Спэнлоу бутунлай диққатини йиғиб олиб деди:

– Ҳозир бир фикр хаёлимга келди. Анови ерга атиргул, оқ гуллар, уларнинг отини унутиб қўйдим, эксам, коттеж янаям файзли бўларди. Нима дедингиз?

Марпл хоним хўрсиниб қўйиб, худди невараларига гапираётгандай оҳангда унга қисқагина жавоб қайтарди:

– Менда гуллар ҳақида қизиқарли китоб бор. Расмлари рангли. Ҳозир ўшани варақлаб туринг. Мен бир қишлоқни айланиб келай.

Марпл хоним шошилиб уйига кириб, жигаранг қоғозга кўйлақларидан бирини ўраб, яна ташқарига чиқиб, почта томон тез-тез юриб кетди. Жаноб Спэнлоу эса рангли суратлар билан безатилган гуллар ҳақидаги китобни варақлаганча қолаверди.

Полит хоним почтанинг тепасида жойлашган хонадонда истиқомат қилар-

– Нима қипти? – бир оз енгил тортиб сўради полковник Мэлчетт. – Оддий тўғнағич. Уни ҳақиқатан ҳам Спэнлоу хонимнинг мурдаси ёнидан топган. Айтганча, кеча констеблнинг ўзи инспектор Слэкнинг олдига келиб, бунга иқрор бўлган. Э-ҳа, энди тушундим. У жиноят жойидаги ҳеч бир нарсага тегмаслиги керак эди. Аммо бу бор-йўғи оддий тўғнағич-ку. Бунақа матоҳдан ҳамма аёлда ҳам топилади.

– Мен сизни тушунаман, жаноб полковник. Сиз эркалар учун бу оддий тўғнағич. Аммо аслида бундай эмас. Констебль топиб олган тўғнағич ниҳоятда ингичка, нозик. Бунақасидан асосан тикувчилар фойдаланишади.

Полковник гап нимадалигини англаб, Марпл хонимга анграйганча қараб қолди. Кампиршо тўғри тушундигиз дегандай бош лиқиллатди.

– Спэнлоу хоним янги кўйлакни кийиб кўрмоқчи бўлган. Шунинг учун ҳам эғнида ичкиим бўлган. Улар меҳмонхонага ўтишган. Полит хоним ўлчаш учун унинг бўйнига ўлчагични ташлаган. Ҳойнаҳой, ўлчагичнинг иккинчи учини Спэнлоу хонимнинг ўзи қотилининг кўлига тутқазган бўлса керак. Полит хоним ўлчагичнинг икки учини чапиштириб тортиши керак бўлган, холос. Бунинг эса ҳеч бир қийин жойи йўқ дейишади. Шундан сўнг Полит хоним ташқарига чиқиб, эшикни ёпиб, уни тақиллата бошлаган. Гўёки эндигина келгандай... Аммо беҳосдан тушиб қолган тўғнағич унинг олдинроқ ҳам уйда бўлганлигини кўрсатади.

– Демак, жаноб Спэнлоуга Полит хоним кўнғироқ қилган экан-да.

– Ҳа, почтадан. Соат роппа-роса икки яримда почтанинг ёнида автобус тўхтади. Почта хизматчилари автобусга юк ортиш билан банд бўлишади.

– Аммо Марпл хоним, у нега бундай жиноятга қўл урган? Ахир, сабабсиз жиноят бўлмайди-ку.

– Сабаби бор, албатта. Фақат уни бугунги кундан эмас, ўтмишдан излаш керак. Менимча, ўша ўғрилиқни иккови бирга содир этишган.

– Қайси ўғрилиқни айтаяпсиз?

– Бундан кўп йиллар бурун бир бадавлат жанобнинг хонадонидан қимматбаҳо тақинчоқлар ўғирланган эди. Ўша кезлари айнан ўша хонадонда аёлларнинг бири оқсоч, иккинчиси эса хизматкор бўлиб ишларди. Кўп ўтмай хизматкор ишдан бўшаб, гул дўкони очди. Лекин ҳеч ким бунча пулни қайқандан олдинг деб сўрамади. Ваҳоланки, сўраш керак эди. Кейинчалик унинг иши янаям юришиб кетди.

Аммо оқсочнинг омади чопмади. У ўз ҳиссасини ўткинчи ҳою ҳавасларга сарфлаб юборди. Шу кунларда эса қишлоқда тикувчилик қилиб кун кўра-япти. Тақдирнинг ўйинини қарангки, уларни яна учраштиради. Менимча, агар Тед Жерард бўлмаганда, қотиллик юз бермасди. Гап шундаки, унинг диний даъватларидан таъсирланган Спэнлоу хоним виждон азобидан қутулиш учун тез орада ҳамма гапни айтиб қўйиши мумкин эди. Натижада ҳар икки аёл ҳам қамалиши тайин эди. Бундан кўрққан Полит хоним қотилликка қўл уради.

Полковник Мэлчетт бир оз ўйланиб тургач деди:

– Тахминингизни текшириб кўриш керак.

– Бунинг қийин жойи йўқ. Полит хоним шундай одамлар тоифасиданки, сал сикувга олсангиз, дарҳол айбига иқрор бўлади. Мана бу тикувчилар ўлчагичини ҳам олиб қўйинг. Керак бўлиб қолади. Кеча Полит хонимнинг олдига кўйлагимни тўғрилатишга борганимда унга билдирмай олиб қўйган эдим.

Полковник Мэлчеттнинг иккиланиб турганини кўриб Марпл хоним унга далда берди:

– Дадил ҳаракат қилаверинг. Ишонинг, ҳаммаси жойида бўлади.

Бир пайтлар полиция Академиясига ҳужжат топширган Мэлчеттга кекса холаси шундай оҳангда далда берганди. Ўшанда у ҳақиқатан ҳам ўқишга кирганди.

Рус тилидан Бобомурод ТОШЕВ таржимаси.

## Агата КРИСТИ



– Анави бола мени ўз хотинини ўлдирган деяптими? Муштдай ҳолига бунақа гапларни қайқандан олган?

– Катталардан эшитган бўлса керак, – тахмин қилди Марпл хоним.

– Демоқчисизки, бунга айрим катталар ишонадимми?

– Қишлоқнинг ярим аҳолиси деяверинг.

– Эй худо, бу қандай бедодлик? Ахир, мен хотинимга боғланиб қолган эдим-ку. Тўғри, у қишлоқда яшашни менчалик яхши кўрмасди. Лекин эру хотин ҳамма масалада бир хил фикрда бўлиши шарт эмас-ку. Ҳаётда бунақаси бўлмайди. Сўзимга ишонинг, хотинимдан айрилиб қолганимдан қаттиқ қайғудаман.

– Шахсан мен бунга заррача шубҳаланмайман. Аммо баъзилар юзу кўзингизда қайғу-алам изини кўрмай сиздан ранжишгани, гумон қилишгани рост.

Жаноб Спэнлоу қаддини ростлаб деди:

– Биласизми, бир хитой файласуфи бўлган. Севимли хотини вафот этганидан кейин ҳам одати бўйича кўчада сайр этишни, яхши кўрган ўйинини ўйнашни қанда қилмаган. Шунда ҳамшаҳарлари унинг ирода кучига қойил қолишган.

– Бизнинг қишлоғимизда бошқача кўнғилхушлик қилишади, – таъкидлаб қўйди Марпл хоним. – Қолаверса, хитой фалсафаси ҳам бизда урф бўлмаган.

– Ҳар ҳолда, сиз мени тушуна-сизми?

Марпл хоним бош лиқиллатиб қўйди.

– Менинг амаким «Ҳеч қачон бошқалар сенга тазйик ўтказишларига йўл қўйма!» деган шiorга амал қилардилар. У киши ниҳоятда саботли инсон эдилар.

Аммо Марпл хоним дарҳол юқорига кўтарилмади. Негадир бир оз кутиб турди. Соат икки яримга бир дақиқалар қолганда одатдагига кўра Мач-Бенгэмдан келган автобус шундоқ почта биносининг ёнида тўхтади. Почтачи аёл посылкалар ортилган аравани итарганча почтадан чиқиб автобус томон йўл олганида аста ичкарига кирди. Орадан бир неча дақиқа ўтиб, почтачи аёл орқасига қайтганида, Марпл хоним юқорига кўтарилмади.

Полит хоним аввалига Марпл хонимнинг ташрифидан ҳайрон бўлди. Кампиршо ўзининг духобадан тикилган кулранг кўйлагини замонавий русумга мослаштирмоқчи экан. Бу гапни эшитиб ҳайронлиги баттар ошиб, ҳаракат қилишга ваъда бериб кўйлакни олиб қолди.

\*\*\*

Марпл хонимнинг ташрифидан полиция бошлиғи учун қутилмаган ҳолат бўлди.

– Худо ҳақки, безовта қилиб қўйган бўлсам кечиринг, – деди кампиршо остона ҳатлар экан. – Вақтингиз ҳаммаша тифизлигини жуда яхши биламан. Аммо доимо менга яхши муносабатда бўлганингиз учун инспектор Слэка эмас, тўғридан-тўғри ўзингизга мурожаат этавердим. Биласизми, констебль Полк мен туфайли ноқулай аҳволга тушишини хохламасдим. Аммо у бундай қилиши керак эмасди...

– Нима қилиши керак эмасди? Сиз Сент-Мэри-Мид қишлоғидаги констеблни назарда тутаяпсизми? – ҳайрон бўлиб сўради полковник Мэлчетт.

– Ҳа-да. Биласизми, у топиб олган тўғнағичини камзулига қадаб олибди. Мабодо, ўша тўғнағични Спэнлоу хонимнинг уйдан топиб олган бўлса-чи?

## Одам савдоси – оғир жиноят

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг жамиятимизга олиб келиши мумкин бўлган салбий оқибатларини чуқур англаган ҳолда, мустақиллик йилларида республикамизда бундай жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Аввало, бу даврда мазкур жиноятларга барҳам беришнинг норматив-ҳуқуқий базаси яратилди. Зотан, юртимизда инсон манфаати устуворлигини таъминлаш бош мақсадлардан бирига айланган. Афсуски, орамизда ўз манфаати йўлида ушбу жиноятни содир этаётган кимсалар учраб туради.

Буни қарангки, Пастдарғом туманида яшовчи Сотволди Қориев ҳамда унинг турмуш ўртоғи Юлдуз Тоирова (исм-шарифлари ўзгартирилди) ана шундай жирканч жиноятни оилавий «бизнес»га айлантирган экан.

Халқимизда: «Кўр ҳассасини бир марта йўқотади» деган мақол бор. Бу бежиз айтилмаган. Табиатан кўзи ожиз киши тасодиф туфайли ҳассасини йўқотади. Уни қайта топгач, қачон йўлга чиқмасин, ҳар сонияда ҳассасини қўлдан туширмасликни ўйлайди.

Таассуфки, Сотволди Қориев сингарилар «ҳасса»сини юз бор йўқотса ҳам бундан тегишли хулоса чиқармас экан. У бундан бир неча йил аввал ҳам жиноят содир этгани учун тегишли жазосини ўтаган эди, лекин тавба қилмади.

Бирор жойда ишлаб жамиятга ва ўз оиласига манфаат келтиришни ўйламаган бу кимса мўмай даромадли бўлиш йўлида ҳатто ўз қайнсингисини алдаб ўзга юртларга фоҳишалikka сотиб юборишдан ҳам тап тортмади. Хотини билан бирга режа тузиб, Булунғур туманида яшовчи қайнсингиси Озода Жабриеванинг уйига келади. У эридан ажрашиб, вақтинчалик ишсиз ўтирган, боз устига вояга етмаган икки нафар фарзандини едириб-қийинтиришга қийналаётган эди. Рўзгордаги аҳволни кўрган фирибгарлар унинг кўнглини кўтар-

ган бўлиб, «Хафа бўлма, сенга ўзимиз иш топиб берамиз, бу кунларинг унут бўлиб кетади», дея катта ваъда беришади.

– Синглим ва куёвим йигирма йилдан буён Туркияда яшашади. Озроқ пул топиб, сени ўша ёққа жўнатаман,

Таҳқирлаш ва азобларнинг охири кўринмасди. Уч йил шу тарзда ҳаёт кечиргандан сўнг Озода хасталаниб, ҳеч кимга керак бўлмай қолади. Уй эгалари унинг қўлига 500 АҚШ доллари тутқазиб, яна 20 минг АҚШ долларини қилган хизматлари эвазига

дай ҳолатда ҳам қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқаролар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишда ҳамisha масъул, хушёр ҳамда адолатпеша. Акс ҳолда, соддадил, ҳар нарсага лаққа ишонувчан Озода кабилар рўшнолик кўрмай, қаллоб, бойлик ортириш йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиганларнинг ошиғи олчи бўларди. Мана шундай воқеа-ҳодисаларнинг сабабчилари қонун олдида жавобгарликка тортилганини эшитган ҳар бир киши мустақил давлатимизда қонун устувор эканлигига, шундай кунларга етганига шукрона айтади.

– Ушбу жиноятни фош этиш жуда катта саъй-ҳаракатни талаб этди. Чунки воқеа жойлари ҳар ерда, бунинг устига жиноятчилар ҳам анойилардан эмасди, – дейди Булунғур тумани ИИБ тергов бўлини маси терговчиси, катта лейтенант Жаҳонгир Эргашев. – Эр-хотин жиноятчилар ўзларини ҳар кўйга солишмасин, ашёвий далиллар олдида ер чизиб қолишди, айбларини тан олишди ва қилмишига яраша жазога тортилишди.

Лекин бир нарса кишини ўйлантиради. Мамлакатимизда 2008 йил 17 апрелда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган эди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида ўтган давр ичида кўпгина ишлар қилинди. Ушбу жиноят оқибатларини жонли мисоллар орқали фуқароларга етказиш мақсадида ҳар ойда тумандаги маҳалларда навбати билан учрашувлар ўтказаяпмиз. Одам савдоси туфайли жабр кўрганлар ҳам тадбирларда фаол иштирок этиб, адашганлари натижасида тортган азоб-уқубатлари тўғрисида сўзлаб беришяпти.

Шундай бўлса-да, айрим содда кишилар бировларнинг пуч ваъдаларига учиб, чув тушиб қолишаётгани чиндан-да ачинарлидир. Эндиликда бу борада вилоят ИИБдаги ҳамкасблар иштирокида янги режалар ишлаб чиққанмиз. Унинг самараси яхши бўлиши аниқ, – дея таъкидлайди у.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.  
Самарқанд вилояти.

## ҚАРИНДОШИНИ СОТГАН ҚАЛЛОБЛАР

ишларига ёрдам бериб турсанг, катта миқдорда пул беришади, қайтиб келгандан кейин қарзингни узарсан, – дейди Сотволди меҳрибонлик кўрсатган бўлиб ва қайнсингисининг паспортини олади ва шу кунгиз хорижга чиқишга дахлдор ҳужжатларни тўплашга киришади.

Орадан бироз вақт ўтиб, «Ҳужжатлар тайёр бўлди, аммо Туркияга Самарқанддан самолёт учмас экан, ўзим сени Тошкент аэропортидан жўнатиб юбораман», деб уни пойтахтга олиб келади ва қўлига 1000 АҚШ доллари бериб хорижга учираб юборади. Бир неча соатдан сўнг самолёт Таиланд давлатининг Бангкок шаҳрига келиб қўнганини билган аёл хайратдан ёқа ушлайди. Ташқарида эса уни Хадича ва Лўбат исмли нотаниш кишилар кутиб турарди.

Туғишган опаси ва поччаси ўз жигарларини фоҳишалик қилиш учун сотиб юборишганини бу ерга келган кундан бошланган қийноқлар, камситиш ҳамда хўрликлардан англайди. Аммо энди кеч бўлган, ўзини ҳимояловчи ягона ҳужжат – паспортини ҳам тортиб олишган эди.



Самарқанд шаҳрида яшовчи Диана исмли аёлдан олишини айтишади ва уни Ўзбекистонга жўнатиб юборишади.

Озода шунча қийинчиликлардан кейин ҳам бевафо опаси ва поччасини кечиради. Аммо унинг қисмати шу билан тугамайди: қариндошлари кунора келишиб «ўзлари сарфлаган харажатлар»ни қайтаришини сўраб, хархаша қилаверишади. Тоқати тоқ бўлган Озода пули йўқлиги, лекин шаҳарлик Диана исмли аёл каттагина пул бериши кераклигини уларга маълум қилади.

Катта маблағни эшитган эр-хотин яна уни аврашга тушиб, тезроқ ўша пулни қўлга киритиш учун турли хил макр-ҳийлаларни ўйлаб топишади...

Яхшиямки, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари бор. Улар ҳар қан-

## Эҳтиёт бўлинг: фирибгар!

## «ЛАСЕТТИ» ОЛМОҚЧИ ЭДИ...

**Машҳур масалда қарғанинг оғзидаги пишлоқни кўрган тулки айёрлик йўлига ўтади. Қушга овози жуда чиройли эканини айтиб, битта сайраб беришини илтимос қилади. Мақтовлардан эриб кетган қарға сайраш учун оғиз очганида, пишлоқни тушиб кетади. Тулкининг қанчалик айёрлигини билса-да, қарға унга алданади. Бу масални бежиз келтирмадик. Орамизда шундай инсонлар борки, кўриб, билиб турса-да, айёр кишиларнинг фирибига учадилар.**

Чирчиқ шаҳрида яшовчи Р. Фаррух ҳам қарғанинг ҳолига тушди.

Хуллас у таниши А. Отабекнинг уйига меҳмонга бориб, С. Набиҳўжа исмли йигит билан танишиб қолди. Гап асносида ҳамсуҳбатига «Нексия»си борлигини, уни сотиб, «Ласетти» олмоқчилигини айтиб ўтди.

– Истасангиз танишларим бор, – деди Набиҳўжа вазиятдан уддаборонлик билан фойда-

ланиб. – Сиз аввал пулни тайёрланг, икки ой деганда калит қўлингизда бўлади. Автосалондаги танишларим орқали хоҳлаган рангиздаги японги «Ласетти» олиб бераман.

Бу йигит жиноятнинг турли кўчаларидан ўтган, бир неча бор судланиб ҳам ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаганлардан бири эди. Бироқ Фаррух танимаган, билмаган одамига орадан бир неча кун



ўтиб, 19 минг АҚШ долларини қўшқўллаб тутқазди. Набиҳўжа найранги ишончли чиқиши учун уяли телефонидан кимларгадир қўнғироқ қилиб, машина ҳақида гаплашди.

– Фаррух қариндошим бўлади, яна мени

ҳам уялтириб қўйманг, – деди Отабек бўлаётган ишларга ишонқирамай.

– Нималар деяпсиз, ака, қанча одамни машиналик қилганман, менга ишонаверинг.

Шу тариқа айтилган вақт келди ҳамки маши-

надан дарак бўлмади. Фаррух эса ҳар қўнғироқ қилганида оз қолди, яна бироз сабр қилинг қабилада жавобларни олаверди. Ваҳоланки, Набиҳўжа аллақачон пулларни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганди. Орадан бир йилга яқин

вақт ўтгач, ундан умидини узган йигит ҳуқуқ-тартибот идораларига муурожаат қилишга мажбур бўлди.

– Дастлабки терговда Набиҳўжа айбини тан олмади, – дейди Чирчиқ шаҳар ИИБ тергов бўлини бўлинма бошлиғи, капитан И. Шамшиев. – У машина керак бўлса танишларимдан суриштириб кўраман деганини, лекин пул олганини айтди. Бироқ гувоҳларнинг кўрсатмаси ва юзлаштириш баённомалари билан мазкур жиноят тасдиғини топди.

Фирибгар қилмиши учун қонун олдида жавоб беради, албатта. Бироқ бу кабиларнинг найрангига учиб, оқибатда бош чангаллаб қолаётган содда одамлар қачон кўзларини каттароқ очаркин?!

Иномжон  
РАҲИМХЎЖАЕВ,  
сержант.  
Тошкент вилояти.

## ҚИЗГИН ВА МУРОСАСИЗ БАҲСЛАР

Республика ИИВ Академиясида тингловчи ва курсантларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини муносиб нишонлаш мақсадида қўл жанги ва жанговар самбо бўйича мусобақа ўтказилди. Унда Академия тингловчилари ва Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари курсантлари ўзаро беллашди. Мусобақани жисмоний тайёргарлик кафедраси бошлиғи, подполковник А. Курбонов очиб, барчани байрам билан табриклар экан, иштирокчиларни шартлар билан таништириб ўтди. Шунингдек, тадбир дўстона руҳда ўтиши, хавфсизлик қоидаларига риоя этилиши лозимлигини таъкидлади.



Иштирокчилар жанговар самбо бўйича 68, 74 ва 85 кг. вазн тоифасида беллашиб маҳоратларини намойиш этди. Қўл жанги бўйича эса 65, 75 ва 85 кг. вазн тоифаларида беллашди. Якуний натижаларга кўра, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни 4-ўқув курси тингловчилари эгаллади. Фахрли иккинчи ўринга эса 3-ўқув курси тингловчилари лойиқ топилди. Учинчи ўрин Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари курсантларига насиб этди. Шунингдек,

иштирокчиларга яқка тартибдаги кўрсаткичлари учун ҳам фахрли ўринлар берилди. Фолиблар мусобақа кубоги, медаль, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Қизгин ва мурасасиз ўтган мусобақа тингловчи ва курсантларга ўзларининг жисмоний имкониятларини яна бир бор синовдан ўтказиш билан бир қаторда, уларнинг муносиб ҳордиқ чиқаришларида ҳам муҳим омил бўлгани шубҳасиз.

Иномжон ИМОМХЎЖАЕВ.

## ТЕРГОВ ЖАМОАСИ ФОЛИБ

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ спорт залида «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг кубоги учун Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган волейбол бўйича мусобақа бўлиб ўтди.



Унда ҳуқуқ-тартибот идораларининг 16 та жамоаси ўзаро куч синашди. Ярим финалда республика ИИВ Қоровул кўшинларига қаршли подполковник Б. Қаршибаев командирлик қилаётган ҳарбий қисм терма жамоасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратган подполковник У. Курбанбаев бошлиқ махсуслаштирилган жазони ижро этиш муассасаси терма жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди. Финалда майдонга тушган вазирикнинг тергов ва кўриқлаш бошқармалари терма жамоалари ўйини кескин ва-

зиятларга бой бўлиб, томошабинларда илиқ таассурот қолдирди. Беллашувда 3:1 ҳисобида терговчилар галаба қозонишди.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, подполковник Д. Хусаинов спортчиларни Ватан ҳимоячилари кунини билан қутлаб, фолибларга махсус кубок, диплом ва эсдалик совғаларини топширди.

Қ. ҚАЙПОВ,  
подполковник.  
Д. ХУДОЙШУКУРОВ,  
ўз мухбиримиз.



## КРИШТИАНУ РОНАЛДУ – «ОЛТИН ТЎП-2014» СОҲИБИ



ФИФА терма жамоаси – 2014



Хироси Кагава



Ральф Келлерман

Цюрих шаҳрида ФИФА томонидан 2014 йилнинг энг яхшилари аниқланди. Тадбир аввалида йил терма жамоаси эълон қилинди ва таркибдан қуйидаги футболчилар ўрин олди: **дарвозабон:** Мануэль Нойер («Бавария», Германия); **ҳимоячилар:** Филипп Лам («Бавария», Германия), Серхио Рамос («Реал», Испания), Давид Луис («ПСЖ», Франция), Тиаго Силва («ПСЖ», Франция); **ярим ҳимоячилар:** Анхель Ди Мария («Реал», Испания / «МЮ», Англия), Тони Кроос («Бавария», Германия / «Реал», Испания), Андреас Иньеста («Барселона», Испания); **ҳужумчилар:** Арьен Роббен («Бавария», Германия), Лионель Месси («Барселона», Испания), Криштиану Роналду («Реал», Испания).

ФИФА президенти мукофоти (футболни ривожлантиришдаги ҳиссаси учун) япониялик 90 ёшли спорт журналисти **Хироси Кагавага** берилди.

Шундан сўнг аёллар жамоалари ўртасида **энг яхши мураббий** эълон қилинди. Мукофот «Вольфсбург» мураббийи **Ральф Келлерманга** насиб этди.

Германия терма жамоаси бош мураббийи **Йоахим Лёв «2014 йилнинг энг яхши мураббийи»** дея эълон қилинди.

Йилнинг энг чиройли голи номинацияси бўйича фолибикни Колумбия терма жамоаси ва «Реал» футболчиси **Хамес Родригес** қўлга киритди.

**Энг яхши аёл футболчи** деб Германия терма жамоаси ҳамда «Вольфсбург» аъзоси **Надин Кесслер** тан олинди.

Тақдирлаш маросимининг энг ҳаяжонли воқеаси, яъни **«Олтин тўп»** соврини кимга насиб этишини аниқлаш жараёни анча қизиқарли кечди. Бу совринни тўрт мартаба қўлга киритган Лионель Мессигами ёки унинг ортидан изма-из келаётган, ҳозирча иккита «Олтин тўп» эгаси Криштиану Роналдугами? Ёинки илк бор сайёрамизнинг энг яхшиси бўлишга умид боғлаб турган Мануэль Нойер «улоқ»ни илиб кетадими? деган саволлар ашаддий футбол ишқибозлари кўнглидан кечаётган эди. Охир-оқибат кўпчилик кутган воқеа юз берди. «Реал» ва Португалия терма жамоаси ҳужумчиси Криштиану Роналду 37,66 фоиз овоз билан «Олтин тўп»ни боши узра баланд кўтарди. Лионель Мессига 15,76 фоиз овоз берилган бўлса, «Бавария» дарвозабони Мануэль Нойер учинчи бўлди – 15,72 фоиз.

Эркин САТТОРОВ тайёрлади.



Йоахим Лёв



Хамес Родригес



Надин Кесслер



Криштиану Роналду

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН



Бедарак йўқолган **Абдухалил ҚОДИРБЕРДИЕВ** Сирдарё вилояти Ширин шаҳар ИИБ томонидан қидирилмоқда. У 1977 йилда туғилган. Руҳий касал, Ширин шаҳар Нуробод маҳалласида яшаган. 2010 йил 1 июль кунини уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см, озгин гавдали, қорачадан келган, сочи қора, оқ оралаган, қошлари, кўзлари қора, қулоқлари ёпишган, бурун, лаблари ўртача.

**Кийимлари:** эгнида оқ энги калта кўйлак, қора жинси шим, оёғида қора шиппак бўлган.

**А. Қодирбердиевни кўрган, қаердалигини билганлардан Ширин шаҳар ИИБга (0-367) 64-56-52, 64-41-32 рақамли телефонлар орқали ёки яқин орадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

Тарих саҳифаларида

# ТАНГАЛАР МОЗИЙДАН СЎЗЛАЙДИ

**Олимларнинг археологик қазималар натижаларини ва тарихий манбаларни ўрганиб олиб борган тадқиқотларига қараганда, Марказий Осиё минтақаси, хусусан ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди қадим замонлардан бошлаб танга пуллари муомалага киритилган ҳудудлардан бири бўлган. Милоддан аввалги 522-486 йилларда Ахамонийлар салтанати подшоси Дор I ҳукмронлиги даврида олтин ҳамда кумуш тангалар зарб этилган.**

Марказий Осиёнинг жанубий ҳудудлари милоддан аввалги III асрда Салавкилар империясининг бир қисмига айланди. Бақтрияда, яъни ҳозирги Сурхондарё ва Шимолий Афғонистонда зарб этилган биринчи тангаларнинг пайдо бўлиши Салавкининг ўғли, салтанатнинг шарқий ҳудудлари сатрапи, кейинчалик унинг подшоҳи бўлмиш Антиох номи билан боғлиқ. Тангалар орасида статер, тетрадрахма ва драхма ғоят қимматбахо ҳисобланган. Драҳманинг олд томонида шох, орқа томонида эса от тасвири туширилган.

Милоддан аввалги III – II асрлар мобайнида Юнон – Бақтрия подшолиги тангалари санъат асари даражасида тайёрланган. Улар асосан кумуш ва мисдан, баъзан эса тилладан зарб қилинган бўлиб, орасида антик дунё даврининг энг йирик олтин тангалари ҳам мавжуд бўлган. Бу тангаларнинг иккитаси бизгача етиб келган. Улардан бири Бухоро амири хазинасида, иккинчиси Париждаги музейлардан бирида сақланган.

Юнон – Бақтрия кумуш тангалари асосан бир андозада бўлиб, олд томонида ҳукмдор, орқасида у ўзига пир қилиб олган маъбуднинг, масалан, Зевс, Геракл, Посейдон, Апполон, Диёскуларнинг тасвири туширилган эди. Уларда подшонинг мартабаси, исми ва лақабини аңлатувчи юнон ёзувлари ярим доира ва устунча шаклида жойлаштирилган.

Парфия тангаларида ҳар бир шохнинг сурати ўзига хос тарзда тасвирланган. Масалан, Тирани бошқа қадимги шарқ подшоларидан бош кийимнинг шакли орқали фарқлаш мумкин бўлган. Парфия шохларининг асосан қалин, узун, тўлқинсимон соқолли тасвири туширилган. Тангада подшо тахтада ўтиргани ҳолда тасвирланган. Унинг чор атрофида юнонча ёзувлар битилган. Милоддан аввалги биринчи асрдан бошлаб тангаларда Парфия тилидаги ёзувлар пайдо бўлган. Уларда подшонинг номи, танганинг қачон ва ким томонидан зарб қилингани ҳақида маълумотлар бор.

Милоддан аввалги II асрдан Хоразмда ҳам танга пуллар зарб қилина бошлади. Дастлабки Хоразм тангалари Евкратид тетрадраҳмаларига тақлидан зарб

этилган йирик кумуш тангалар бўлиб, асл нусхаларидан ёзувлари хиралашгани, терс томонида ўзига хос белги – тамға борлиги билан ажралиб туради. Кейинчалик ўнг томонидаги Евкратид тасвири маҳаллий ҳукмдор сурати билан алмаштирилади. Шунингдек, юнон ёзувлари билан бир қаторда подшонинг исми ва унвони ҳақида маълумот берувчи Хоразм ёзувлари, танганинг терс томонида эса суворийнинг расми пайдо бўлади. Тетрадраҳманинг ўнг томонида сочлари ҳафсала билан таралган, пешонасига тасма боғланган, юзларида ғайрат-шижоват барқ уриб турган эркак киши



нинг белигача тасвирланган сурати берилган. Танганинг терс томони киши диққатини ўзига тартади: унда ўртада от минган шох, унинг орқасида гулчамбар тутган Ника маъбудаси парвоз қилаётгани тасвирланган.

Милоддан аввалги I ва милодий IV асрларда Марказий Осиё минтақасида Кушон салтанати ҳукмронлик қилган. Ушбу давлат таркибига республикамизнинг ҳозирги Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Фарғона водийси ҳудудлари кирган. Мазкур минтақада Кадфиз II, Канишка, Васудева номли Кушон ҳукмдорларининг тангалари зарб этилади ҳамда кенг тарқалади.

Кушон шохи Кадфиз II замонда пул ислоҳоти ўтказилиб, янги танга тизими жорий қилинган. Унга кўра турли сифатдаги тиллалардан тангалар зарб этилган. Икки хил танга муомалага киритилган бўлиб, улардан бири 16,07 грамм, иккинчиси эса 2,01 грамм оғирликка эга бўлган. Шунинг билан бир қаторда диаметри 23-25 мм, вазни 16-17 грамм келадиган мис тангалар ҳам муомалада бўла бошлаган.

Тангаларнинг юза томонида бериладиган суратнинг доимий кўриниши ҳам ишлаб чиқилди. Энди суратда юзи ён томонидан акс эттирилган шох меҳроб

олдида тик турганича диний ибодат адо этаётгани акс этган. Бу типдаги коҳин шох тасвири кушон подшолигининг бошқа барча шохлари, шу жумладан, Канишка, Васудева, Канишка III тангаларида ҳам мавжуд.

Қадимда ҳозирги Тожикистоннинг Хўжанд вилояти ҳамда Ўзбекистоннинг Жиззах вилояти ҳудудларида жойлашган Уструшона деб аталган мўъжазгина ўлка ҳокимлари эрамизнинг VII асри 2-ярмида ва VIII асрнинг 1-ярмида ўзларининг мис қақаларини зарб қилишарди. Бу тангаларнинг юзасида сосонийлар тангаларига тақлидан бошига қанотли чамбар кийган ҳокимнинг тасвири берилган. Ҳоким Сатагарий томонидан зарб этилган тангаларда бунинг ўрнига донишмандлик рамзи бўлмиш фил тасвири берилган.

IV-V асрларда Бухоро заминидан зарб этилган тангаларнинг олд тарафини тож кийган ҳоким бошининг нуқталар билан ўралган тасвири, тескари томонида эса сосонийларнинг тангаларига хос оташпарастрлар меҳроби ёки тамға акс эттирилган. Оромий тилидаги ёзувлар эса ҳукмдорларнинг исми ва унвонини ифодалаган. Эрамизнинг V асри ўрталаридан бу ерда Сосонийлар сулоласига мансуб шох Вараҳрабий тангаларига ўхшатиб кумуш дирҳамлар зарб этиш йўлга қўйилди. Уларнинг юза томонида жимжимадор тож кийган Сосонийлар шаҳаншоҳининг ён томонидан тасвирланган сурати, тескари томонида бўлса муқаддас олов кўриқчилари – мобедларнинг тасвири туширилган. Тангалардаги ёзув суғд хатининг бухороча шакли бўлиб, «Бухоро шохи» маъносини аңлатади. Бир тарафида нуртуя (бу «Авесто»да келтирилган уруш маъбуди Веретратма бўлса керак) тасвири берилган мис тангалар ҳам кенг муомалада бўлган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш кераки, қадимда мамлакатимиз ҳудудида танга пулларнинг кенг тарқалиши ўша пайтлардаёқ савдо-сотик, хунармандлик юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради. Марказий Осиё минтақасида йирик, қудратли давлатларнинг мавжуд бўлиши олтин, кумуш, мис танга пулларнинг зарб этилишига ҳамда бу пулларнинг кенг ёйилишига сабаб бўлди. Бундан ташқари, танга пуллари тадқиқ қилиш орқали биз ўша даврларда қайси ёзувлар, тиллар кенг тарқалганлиги, аҳолининг диний эътиқоди ҳақида қимматли маълумотлар олишимиз мумкин.

Хуршид ТОШЕВ.

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХХББ раҳбарияти ва шахсий таркиби бош бошқарма катта навбатчи инспектори, подполковник Шавкат Бойхўрозовга падари бузруквори  
**АЛЛАМУРОД отанинг** вафот этгани билан таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби вилоят ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси бошлиги, подполковник Ғайрат Мадаминовга падари бузруквори  
**ҒУЛОМЖОН отанинг** вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Наманган шаҳар ИИБ ҲООБ ВЕЎН ва ХПБ катта инспектори, майор Нилуфар Адашевага падари бузруквори  
**САЙФИДДИН отанинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

### КҮЙ

Ҳафта бошларида анчагина асабийлашинингизга тўғри келади. Турли идораларга қатнашингиз лозим бўлади. Бир қараса бўлар-бўлмасга ранжийверасиз, ҳеч нима қилгингиз келмайди. Гоҳида эса ҳозир тоғни толқон қилиб юбораман дейсиз. Натижада атрофингиздагилар сизни тушуна олишмайди, турли қийинчиликларга дуч келасиз. Айниқса, ҳафтанинг биринчи ярмида ҳужжатлар билан ишлашда эҳтиёт бўлинг.

### СИГИР

Ниҳоят кўзлаган натижаларингизга эришасиз. Бу хусусан, моддий масалаларга тааллуқли. Энди нафасни ростласангиз ҳам бўлади. Меҳнатингиз меваларидан баҳраманд бўлинг. Дам олсангиз, нафақат жисмоний чарчовингиз тарқайди, балки руҳингиз ҳам яйрайди. Натижада тева-арак-атрофингизга янги на-зар ташлайсиз. Маслаҳатимиз: ҳозир келгуси ишлар режасини тузиб олинг.

### ЭГИЗАКЛАР

Бошқалар билан муносабатларингиз яхшиланишини истайсизми? Шахсий ҳаётингизда ўзгаришлар юз беришини-чи? Унда аввало ўзингиздаги камчиликларга барҳам беринг. Биринчи галда иккиланишларни бас қилинг. Кўполликдан тийилинг. Атрофингизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга эътиборли бўлинг. Эскича қарашлардан воз кечинг. Шунда янгиликларга йўл очилади.

### ҚИСКИЧБАҚА

Дастлабки кунларда ҳаёлингизга кўплаб ижодий гоғлар келади. Турли масалаларни ҳал этишда аввал обдон ўйлаб кўринг. Пировард мақсадингизни аниқлаб олинг. Ушбу ҳафтада қабул қиладиган муҳим қарорларингиз келгуси ҳаётингизга таъсир кўрсатади. Фойдали таклифлар олишингиз мумкин. Ҳафта охирида ҳаётингизда қувончли воқеалар юз беради.

### АРСЛОН

Ҳафтанинг биринчи ярмида режаларингизни амалга ошириш учун эҳтиросларингизни жиловлаб олинг. Эҳтиёткорлик билан иш кўринг. Ички сезгингизга қулоқ тутманг. Яхшиси, белгиланган кун тартибига қатъий риоя этинг. Шундагина муваффақият қозонасиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ҳам оқилона йўл тутинг. Зарур бўлганда ортага чекининг. Чунки баъзида айнан чекиниш энг тўғри йўл ҳисобланади.

### ПАРИЗОД

Тўғри қарор қабул қилиш учун нафақат ақл-фаросатингиз, балки уддабуронлигингиз ҳам қўл келади. Ушбу ҳафтада шундай чигал вазиятга тушасизки, ундан топқирлигингиз туфайлигина чиқиб кета оласиз. Гоҳида ҳеч кимни кўргингиз ҳам, эшитингиз ҳам келмайди. Шунинг учун илгари режалаштирган тантанали тадбирларни кейинроққа қолдирганингиз маъқул.

### ТАРОЗИ

Оилавий муносабатларингиз изга тушади. Ишонангизда ҳам қулай вазият ҳукм суради. Натижада ўзингизга ишончингиз ортади. Ҳаёлингизга янги гоғлар келади. Аммо уларни амалга оширишга ҳали эрта. Ҳафтанинг иккинчи ярмида саломатлигингиз ҳақида қайғуринг. Келажакка ишончингиз ортади. Бунга бошқа омиллар ҳам қўшилиб, мақсад сари олға интиласиз.

### ЧАЁН

Вазият анча кескинлашади. Бу айниқса ҳафтанинг бошларида мулоқот жараёнида яққол билинади. Бошқалар билан бирга ягона қарорга келишингиз қийин кечади. Масалала ўзига хос ёндашсангизгина атрофингиздагилар билан умумий тил топишиб, тўғри қарор қабул қиласиз. Ҳафта охирида мураккаб йўлдан юрасиз. Муҳими тўхтаманг, ортага қайтманг. Шунда маррага етасиз.

### ЁЙ

Ҳафта бошларида ҳис-туйғуларингиз жўш уради. Оқибатда оқилона йўл тутишингиз қийин кечади. Ваҳоланки, вазият сабр-тоқатли хушмуомала бўлишингизни, қулай фурсат пойлашингизни, эҳтиёткорона иш тутишингизни тақозо қилади. Ўзингизни ана шундай тутсангизгина ҳар қандай масалада, айниқса иш фаолиятингизда муваффақиятга эришасиз.

### ТОҒ ЭЧКИСИ

Шовқин-сурондан ҳафта ўрталарига бориб анча толиқасиз. Ҳеч бир ишга қўлингиз бормайди. Ваҳоланки, бир қанча ишларни якунига етказишингиз керак. Зарурат туғилса, бошқалардан ёрдам сўранг. Хусусан, мавқеи ўзингиздан юқори бўлган, тажрибали аёлнинг катта ёрдами тегади. Хуллас, ўзгалар кўмагига таяниб ҳамда бор кучингизни йиғиб мўлжаллаган ишларингизни якунланг.

### ҚОВҒА

Ҳафтанинг биринчи ярмини шахсий ишларингизга бағишланг. Ҳадемай ҳаётингизда қувончли воқеалар юз бериб, кайфиятингиз кўтарилиб кетади. Ажойиб саргузаштларни бошингиздан кечирасиз. Ҳали оила қурмаган бўлсангиз, янги танишларингиздан бири билан муносабатларингиз ижобий маънода жиддийлашади. Фақат унга бўлган ҳис-туйғуларингиз ўткинчи эмаслигига ишонч ҳосил қилинг.

### БАЛИҚ

Ушбу ҳафта анча-йин самарасиз ўтади. Турли юмушларни бажарасиз, бунга қанча вақт, куч-қувват сарфлайсиз. Ҳаммаси зое кетади – кўзлаган натижаларингизга эриша олмайсиз. Аммо бундан кўп ҳам сиқилманг. Шу кунларда тўплаган тажрибангиз кейинчалик асқотади. Бундан ташқари, атрофингиздагилар сизнинг меҳнатсевар ва масъулиятли инсон эканлигингизга ишонч ҳосил қилишади.

Кўрик-танлов

# ИҚТИДОР ВА МАҲОРАТ НАМОЙИШИ

**Болалигида ҳеч бўлмаса бир бора ҳарбийликка ҳавас қилмаган, келажакда мен ҳам аскар бўламан, деб орзу қилмаган киши кам учраса керак. Тинчлигимиз, осуда ором олишимиз учун ўз ҳузур-ҳаловатидан кечган Ватан ҳимоячилари ҳар қанча таҳсинга, ҳурмат-эътиборга лойиқ.**

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудида Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ўтказилган «Балли, йигитлар!» кўрик-танлови ҳам мазкур санага бағишланди.

Унда Академия тингловчилари ва Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари курсантларидан иборат бешта жамоа ўзаро беллашди. Танловнинг биринчи босқич мусобақалари Академия спорт мажмуасида турникда тортилиш, арқон тортиш ва тош кўтариш турлари бўйича ўтказилди. Иккинчи турда

эса иштирокчилар ўзларининг пазандалик маҳоратини намоён этишди.

Кўрик-танловнинг якуний босқичида жамоалар танишув, тезкор савол-жавоб ва бошқа шартлар бўйича баҳсга киришишди. Иштирокчилар томонидан ижро этилган хангомалар, рақслар, Ватан, тинчликни улғулловчи сахна кўринишлари барчага хуш кайфият улашди.

Барча шартларни муваффақиятли бажариб, энг кўп балл тўплаган 4-ўқув курсининг «Асл ўғлонлар» жамоаси голибликни қўлга киритди. «Мардлар» ва «Фидокор» жамоаларига иккинчи ҳамда учинчи ўринлар насиб этди. Кўрик-танлов



голибликага диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир сўнггида ИИВ Академияси бошлиғи, генерал-майор Ш. Икрамов сўзга чиқиб, барчани байрам билан муборакбод этди. Ўзбекистон халқ артисти Ё. Саъдиев танлов ҳақида фикр-мулоҳа-

заларини билдириб, ушбу масканда ҳар томонлама билимли, изланувчан йигитлар таҳсил олаётганига яна бир бор амин бўлганлигини таъкидлади.

**Фурқат ГАЙБУЛЛАЕВ,**  
кичик сержант.

**Акмал СУЛТОНОВ** олган суратлар.



Корхона директори қабулхонасига кириб келган Болтабой эшикни оҳиштагина тақиллатди:

— Мумкинми, Тоштемир Пўлатович?

— Кириш! — деди у бурнининг учига зўрға илиниб турган кўзойнаги устидан хўмайиб қараганча. — Хўш, хизмат!

— Сўнги пайтларда соғлигим тез-тез панд берадиган бўлиб қолди, — дея тортинибгина гап бошлади Болтабой. — Шунинг учун санаторийлардан бирида даволаниб келмоқчи эдим. Шунга йўлланма берсангиз, деб келгандим.

— Касаба уюшмасига учрашинг, — деди директор кўрсаткич бармоғи билан чиқиш эшигини кўрсатиб. — Санаторийга бориш учун йўлланмани улар беришади.

— Аммо улар йўлланма топиб беролмаймиз, дейишяпти, — дея Болтабой умид билан бошлиққа термулди.

— Бу уларнинг муаммоси! — деди Тоштемир Пўлатович қўл силтаганича. — Хўш, яна қандай муаммоингиз бор?

— Соғлигимни тиклаб олишим учун моддий ёрдам берсангиз.

— Бу иш билан молияиқтисод бўлимидаги ходимлар шуғулланишади. Уларга мурожаат қилинг!

— Сизга моддий ёрдам берсак, бошқалар ҳам талаб қили-

## МУАММОНИНГ «ЭЧИМИ»

Ҳажр Вия



— Шунинг учун беролмаймиз, дейишди.

— Тўғри жавоб беришибди, — деди Тоштемир Пўлатович.

— Чунки ҳар бир ишчи-хизматчиларимизга моддий ёрдам бераверсак, корхонамиз иқти-

содий танг аҳволга тушиб қолади-ку! Шундай экан, моддий ёрдам бериш масаласи жиддий муаммолардан бири.

Бунга бефарқ қараб бўлмайди. — Меҳнат таътилига чиқишга ариза ёзгандим, — деди Болтабой қўлидаги қоғозни бошлиқ столга қўяркан. — Ҳеч бўлмаганда шунга имзо қўйиб берарсиз!

— Кадрлар бўлимига учрашинг. Бундай муаммони ҳал қилиш уларнинг вазифасига киради.

— Улар сизнинг олдингизга юборишди.

— Бундай майда-чуйда нарсалар билан бошимни қотирманг! — дўқ урди Тоштемир Пўлатович.


— Кечирасиз, ундай бўлса, ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзмоқчи эдим. Кимга учрашай?

— Ёзинг, — деди у оппоқ қоғоз ва ручкани унинг олдида қўйиб. — Бундай муаммони биз ҳал қиламиз.

Болтабой ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзди ва энгил тин олганича директор хонасидан чиқиб кетди...

**Худойберган ЖАББОРОВ.**  
Хоразм вилояти.

## «БАЙРАМ» ЧАЙНКРОССВОРДИ



«Занжир» ҳолида: 1. Ҳарбий техника. 2. Милтик, тўп каби ўқотар қуроллар миллининг диаметри ўлчови. 3. Ватанимиз ҳарбийлари фаолиятига бағишланган «Сардор» телесериали қахрамони. 4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг марказий матбуот нашри. 5. Оммавий аҳборот воқеаси. 6. Мураккаб механизмлар ишини пульт ёрдамида бошқарувчи. 7. Радио орқали хабарлар узатувчи ва қабул қилувчи мутахассис.

Энига: 11. Давлатнинг барча Қуроли Кучлари мажмуи. 12. Фазодаги нишонларни уриб туширишга мўлжалланган техника.

Бўйига: 8. Тўп, замбарак стволни ўрнатилган дастгоҳ. 9. Бельгиялик қуролсоз номи билан аталувчи, айланма барабанли тўппонча. 10. Қадимий тигли қурол. 13. Яёв жанг қилишга белгиланган қўшин тури. 14. Қўшин эгаллаб турган чегара, манзил. 15. Асбобнинг қўл билан ушланадиган қисми.

**Хусан ОРИПОВ** тuzди.

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

**MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Bosh muharrir o'rinbosari – **Qobiljon SHOKIROV**  
Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**

Navbatchi – **Foziljon MAMASHARIPOV**  
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**  
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:**  
231-33-88;  
**Faks:** 255-31-39.



Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001,  
MFO 00420.  
ATIB  
«Ipotekabank»  
Mirobod tuman bo'limi.  
INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Postda»dan olinganligi ko'rsatilishi shart.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kuni chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №S-1874. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 69643 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 22.00. Bosishga topshirildi – 21.00. Bahosi kelishilgan narxda.

**MANZILIMIZ: 100070, Toshkent, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi, 1-uy.**